

# СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМИДА АҲОЛИНИНГ ТИББІЙ МАДАНИЯТИНИ ОШИРИШ, СИФАТЛИ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ОРҚАЛИ ОДАМЛАРНИ РОЗИ ҚИЛИШГА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 7 май куни тиббиётнинг бирламчи бўғини ва ихтисослашган муассасаларда хизматлар сифатини ошириш, дори истеъмолини тартибга солиш ҳамда тиббий таълимни такомиллаштириш бўйича устувор вазифалар юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Сўнгги 7 йилда соғлиқни сақлаш соҳасига ажратиладиган маблаг 6 карра оширилди. Худудлардаги шифохоналар моддий-техник жиҳатдан янгиланди. Илгари фақат пойтахтда бажарилган 400 дан ортиқ юқори технологик амалиётни вилоят ва туманларда ўтказишга эришилди. Маҳалладаги бирламчи бўғин билан ихтисослашган хизматларни боғлайдиган тизим йўлга қўйилди.

Юртимизда ҳар ўн минг аҳолига 29 нафар шифокор тўғри келади. Бу кўрсаткич АҚШ, Буюк Британия, Финляндиядаги билан бир хил, Туркия ва Канададагидан эса кўп. Лекин бизда иш самарадорлиги, даволаш сифати яхши эмас.

Масалан, маҳаллада бирламчи бўғин тўғри ишламагани сабабли туманларда касалланиш ва уларнинг оғир асоратлари камаймаяпти. Юқумли бўлмаган касалликлар мамлакатимиз иқтисодиётига ҳар йили 1 миллиард доллар атрофида зарар келтиряпти.

Тез тиббий ёрдамдаги жами қақирувларнинг тўртдан бири сурункали касаллиги бор беморларга тўғри келяпти. Баъзи жойларда тез ёрдам худди поликлиникадек бўлиб қолган. Вилоят ва туман шифохоналарида ходимлар сони, ўринлар, маблағлар тўғри тақсимланмаган.

Тиббий суғурта тизимини жорий қилиш йилдан-йилга келяпти. Навбат ва хизматларни рақамлаштириш ҳам тўлиқ ишга туширилгани йўқ.

Бу ишларда сўгашликка йўл қўйгани учун соғлиқни сақлаш вазирининг икки ўринбосари вазифасидан озод қилинди, яна бирига огоҳлантириш берилди.

Йиғилишда соҳанинг бирламчи бўғини яхшилаш, касалликларнинг олдини олиш, тиббиёт ходимларининг билимини ва даволаш сифатини ошириш масалалари муҳокама қилинди. Аҳоли қамрови, касалликлар тахлили ва муружаатлар туридан келиб чиқиб, янгича иш тартиби белгиланди.

Аввало, бирламчи бўғин ислоҳ қилиниб, тиббиёт бригадаси ҳамда унга бириктирилган аҳоли ўртасида икки томонлама шартнома тузилади. Энди аҳоли оилавий шифокорни эркин танлайди, бу жараёнга хусусий шифокорлар ҳам жалб этилади.

Тиббий ёрдамнинг кафолатланган пакети тасдиқланади ҳамда пакет доирасида тиббий хизмат ва дори воситалари тўлиқ буюджетдан қопланади.

Бирламчи бўғинда барча шифокор ва ҳамширалар фақат тўлиқ ставкада ишлайди. Поликлиникада акушер-гинекологлар сони 2 баробар кўпайтирилади. Ҳар 3 минг нафар бола учун биттадан педиатр штати янгидан қўшилади.

Туманлардаги шифокорлик пунктлари ва оилавий поликлиникалар фаолияти қамров жиҳатидан мақбуллаштирилади. Марказий поликлиника эса туман шифохонасининг маслаҳат-диагностика бўлимига айлантирилади. Барча тор соҳа мутахассислари шу ерда фаолият юритади.

Бу поликлиникаларда оилавий шифокорнинг базавий ойлик маоши 500 доллар, ҳамшираники 300 доллар эквиваленти миқдорида бўлади. Улар малака сертификати олса, яна шунча устама тўланади. Агар улар маҳаллада юриб, сурункали беморларни касаллик билан яшаш ва уни бошқаришга ўргатса, онкология, диабет, инсульт, инфаркт каби хасталикларни эрта аниқлаб, оғир асоратларнинг олдини олса, маоши янада ошади. Яъни оилавий шифокорлар 1,5 минг доллар, ҳамширалар эса 600-800 доллар эквивалентида ойлик оладиган тизим яратилади.

Мазкур тизим бу йил 15 та туман ва шаҳарда, келгуси йилдан Самарқанд вилоятининг барча худудларида синовдан ўтказилади.

Шу билан бирга, оилавий шифокор ва ҳамшираларнинг масъулияти ҳам оширилади. Маҳаллада инфаркт, инсульт, оналар ва болаларнинг эрта ўлими, сурункали касаллик туфайли ортирилган ногиронлик бўлса, давқулодда ҳолат ҳисобланади.

Ногиронликни белгилашда шифокорлик-маслаҳат комиссиялари деган коррупцион тизимдан тўлиқ воз кечилади. Бу оилавий шифокор расмийлаштирган хужжат асосида тиббий-ижтимоий экспертиза комиссияси томонидан белгиланади.

Соҳа мутасаддилари ва вилоят ҳокимларига “Тиббиётда 90 кунлик ўзгаришлар” дастури асосида шифо масканларида кутиш жойлари ҳамда йўлакларни тартибга келтириш, тозалаш ва маданиятни ошириш топшириғи берилди. Таълим ва барча ижтимоий муассасаларда “Тоза қўллар” дастури татбиқ этилиб, санитар-гигиена шароити яхшиланиши айтилди.

Йиғилишда ихтисослашган тиббий хизматлар масаласи ҳам таҳлил қилинди. Республика тиббиёт марказларида бюджет ҳисобидан фақат юқори технологияли мураккаб амалиётлар ўтказилиши белгиланди.

Электрон йўлланма бериш ва тақсимлаш тизими ҳам тубдан ўзгаради. Унга киритилган касалликлар рўйхати ва ягона базавий нархи тасдиқланади.

Беморга республика даражасида даволаниш учун берилган йўлланма ягона электрон майдончага жойлаштирилиб, уни барча давлат ва хусусий клиникалар кўриб туради. Уларнинг тақдирлари асосида бемор ўзига энг маъқул шифохонани танлайди.

Энг оғриқли муаммо — болалар онкогематологияси. Афсуски, юртимизда бундай касалликларнинг 75 фоизи сўнгги босқичларда аниқланаяпти. Шу боис, худди онкологияда бўлгани каби, болалар саратонига қарши курашиш бўйича ҳам беш йиллик дастур ишлаб чиқилади. Бунга камида 110 миллион доллар йўналтирилади.

Дори истеъмолини тартибга солиш жуда долзарб масала. Ривожланган давлатлар далиллари асосланган тиббиётга таяниб, кенг миқёсда ўтказилган клиник тадқиқотлар орқали самарадорлиги ва хавфсизлиги аниқ дорилардан фойдаланади. Юртимизда самарадорлиги исботлан-

# ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ АМАЛИЙ ТАШРИФ БИЛАН РОССИЯГА БОРАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг таклифига биноан 8-9 май кунлари амалий таширф билан Москва шаҳрида бўлади.

Таширф дастурига мувофиқ, давлатимиз раҳбари Иккинчи жаҳон урушидаги Ғалабининг 80 йиллигига бағишланган тантанали тадбирларда иштирок этади ҳамда қатор икки томонлама учрашувлар ўтказади.

ЎЗА

# Фуқаро авиацияси

# ЯҚИНДА АНДИЖОН, КЕЙИН ХОРАЗМ...

# МАМЛАКАТИМИЗ АЭРОПОРТЛАРИ ЯНГИЛАНАЁТГАНИ ҲАҚИДА МУЛОҲАЗАЛАР



Мамлакат тараққиёти ва эл-юрт фаровонлиги учун хизмат қиладиган ҳар қандай соҳа, ҳар бир касб эгалари эътироф ва ҳурмат, ҳавас ҳамда улуғлинишга муносибдир. Хусусан, миллий иқтисодиёт ривожини транспортсиз тасаввур этиб бўлмайди. Транспорт инфратузилмаси сифати унинг жаҳон миқёсидаги рақобатбардошлиги даражасини, сифатли хизмат кўрсатиш қўламини кенгайтириш эса жамиятнинг қанчалик ривожланиб бораётганини кўрсатади. Транспорт тармоқлари орасида фуқаро авиациясининг алоҳида ўрни бор.

Мазкур соҳа савдо-сотик, туризм, бизнес, илмий тадқиқот юритиш каби йўналишларни жадал ривожлантиришга ҳам катта ёрдам кўрсатадиган устувор тармоқлардан бири саналади. Тартибли, оқилона йўлга қўйилган ҳаво йўллари

хизмати эса бир пайтнинг ўзида мамлакат иқтисодиёти, сиёсати, ижтимоий ҳаёт барқарорлигини сақлашда муҳим аҳамиятга эга.

Давоми 4-бетда

# Ислоҳот одимлари

# МАҲАЛЛА БАНКИРИ

ҲАР БИР ОИЛАДАГИ ҒОЯ ВА ТАШАББУСЛАРНИ Қўллаб-қувватловчи институтга айланмоқда

Маҳалла банкири. Бу атама кундалик ҳаётимизга кириб келганига кўп бўлгани йўқ. Аммо янги тизим аҳоли муаммоларини ўрганиб, ҳал қилиш, бандлигини таъминлаш, фаровонлигини ошириш, ғоя ва ташаббусларни юзага чиқаришда қўл келмоқда.

Президентимиз ташаббуси билан йўлга қўйилган “Маҳалла банкири” лойиҳаси худудларда иқтисодий фаолликни оширишнинг янги босқичини бошлаб берди. Энди ҳар бир маҳалланинг имконияти чуқур ўрганилиб, қайси бизнес қерда ривожлана олиши ойдинлашди. Маҳалла

банкери ва ёрдамчиси фуқаролар билан бирма-бир гаплашиб, уларнинг лойиҳасини ғояга, бизнес режага айлантирувчи, керак бўлса, елкама-елка туриб, амалга оширувчи масъул вақил сифатида шаклланди.

Давоми 2-бетда

# “БИРЛАШИШ НУҚТАСИ”

# ОЧИҚ ВА ШАФФОФ АҲБОРОТ ЖАМИЯТИ САРИ ҚАДАМЛАР



# 2025 йил – Атроф-муҳитни асраш ва “яшил иқтисодиёт” йили

# ЯНГИ ЭНЕРГЕТИКА ТАРМОҚЛАРИ

# ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТИНИНГ УСТУНИ БЎЛАДИ

Энергетика масаласи мамлакат ривожланишида стратегик аҳамиятга эга йўналишдир. Глобал қақириклар, хусусан, иқлим ўзгариши ва иқтисодий беқарорлик шароитида Ўзбекистон ўз ресурсларини фаол ривожлантириши, инновациялар жалб этиши ва барқарор келажакка сармоя киритишни таъминлаши лозим.

Ўзбекистоннинг 2030 йилгача ва ундан кейинги давр учун энергетика сиёсатининг асосий мақсади иқтисодий ўсиш учун барқарор энергия таъминотига эга бўлиш ва аҳолининг яшаш фаровонлигини оширишдан иборат. Бунга соҳада мавжуд ишлаб чиқариш ҳамда илмий-техник салоҳиятдан самарали ва унумли фойдаланиш орқали эришилади.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда ялпи ички маҳсулотнинг барқарор ўсиши кузатилмоқда. Яқин келажакда ЯИМнинг йиллик 5-6 фоиз атрофида ўсиш тенденцияси сақланиб қолиши кутиляпти. Бу янги йирик ишлаб чиқариш қувватлари яратиш, кичик ва ўрта бизнес ҳамда яқка тартибдаги тадбиркорликни ривожлантириш, шунингдек, транспорт инфратузилмасини такомиллаштириш чора-тадбирлари билан боғлиқ. Бундан ташқари, жараёнлар ишлаб чиқариш соҳасида энергия истеъмолининг мос равишда ўсишини талаб қилади.



Шу билан бирга, аҳоли сони ва даромадлари барқарор ўсиб бориши натижасида маиший секторда ҳам энергияга эҳтиёж ошиб боради.

Айни пайтда Ўзбекистонда электр энергиясининг асосий қисми табиий газда ишловчи иссиқлик электр станцияларида ишлаб чиқарилмоқда. Бу эса углеводород ресурсларига боғлиқликка олиб келяпти. Аммо мамлакатда қайта тикланувчи энергия манбалари ва атом энергетикаси соҳасида катта салоҳият мавжуд. Ушбу йўналишлардаги лойиҳалар энергетика балансини диверсификация қилиш ҳамда энергетик хавфсизликни таъминлаш имконини беради.

Узоқ истиқболда қазилма бойликлардан фойдаланиш инсоният, сайёра ва глобал иқтисодиёт учун боши берк кўча ҳисобланади. Қайта тикланувчи энергия манбаларига, шу билан бирга, атом энергетикасига тез ва самарали ўтиш энергетик хавфсизликни таъминлаш, аҳоли ва иқтисодиёт тармоқларининг энергия ресурсларига талабини қондиришининг ягона йўлидир.

Жаҳон энергетикасини таҳлил қилувчи мутахассислар “энергетик ўтиш” атамасини тўртта асосий тренд билан боғлайди.

Буллар номарказлаштириш — қуёш ва шамол энергиясига асосланган, мослашувчан энергетика; интеллектуаллаштириш — ўз-ўзини тикловчи, автоматлаштирилган энергия тизимлари; рақамлаштириш — энергетика, автоматлаштириш ва иқтисодиётнинг ўзаро алоқадорлиги; декарбонизациялар — иссиқхона газлари чиқиндиларини камайитириш.

Ушбу трендлар бир-бири билан узвий боғлиқ ва бир йўналишдаги ўзгаришлар бошқаларига ҳам жиддий таъсир кўрсатади.

Давоми 3-бетда

Ислохот одимлари

МАҲАЛЛА БАНКИРИ

ҲАР БИР ОИЛАДАГИ ҒОЯ ВА ТАШАББУСЛАРНИ Қўллаб-қувватловчи институтга айланимиз

Бошланиши 1-бетда

Бағдод туманидаги “Пахтабод”, “Самандарак”, “Саховат” ва “Майлабой” маҳалла фуқаролар йиғинларида маҳалла банкири сифатида иш бошлаган Муродулло Эргашев билими ва ташкилотчилик қobiliяти билан кўпнинг қорига ярамоқда. У одамлар билан тез тил топишди, ўзаро ҳамжиҳат бўлиб ишлай бошладди. Қисқа муддатда уларнинг яқин маслақдоши, молиявий кўмакчисига айланди.

Маҳалла банкири ишни ҳудудларни ўрганиб, белгиланган кўрсаткичлар бўйича камбағал оилалар, ишсизлар рўйхатини шакллантиришдан бошлады. Аҳоли билан учрашувлар ўтказиб, одамларни тадбиркорликка жалб қилиш, ғоя ва ташаббусларини бизнес лойиҳага айлантириш, маҳсулот ҳамда хизматлариغا бозор топишга кўмаклашмоқда. Ташаббускор фуқаролар билан ҳамкорликда тадлабки бизнес лойиҳаларини йўлга қўйишда ҳар жиҳатдан кўмаклашиб, қўллаб-қувватлаётми.

Энди одамлар бирор лойиҳани амалга ошириш учун кредит олмақчи бўлса, аввалгидек банк маассасаларига боришига зарурат йўқ. Маҳалла банкирига мурожаат қилишининг ўзи етарли. Лойиҳа ҳақида ўйламаган тақдирда ҳам маҳалла банкирлари ўзи хонадонларга кириб бориб, таклиф ва маслаҳатини беради. Чунки улар ўзига бириктирилган маҳаллалардаги ҳар бир хонадон билан алоҳида ишлайди. Бу вазифалар биргина маҳалла банкирининг зиммасида эмас. Унга кўмаклашадиган ёрдамчи агент ҳам бор. У маҳалладаги ҳар бир хонадоннинг яхши биладиган, аҳоли орасида банк хизматларини оммалаштириш, молиявий саводхонлигини ошириш, одамлар ва тадбиркорлик субъектларини банк хизматлари га қизиктириш орқали тадбиркорлик фаолиятини бошлаш ва кенгайтириш бўйича маҳалла банкирига яқиндан кўмаклашиб келмоқда. Оилаларга камида 3 тадан иштиқболли лойиҳа пакети тақдим этиляпти.

— Ҳар бир маҳаллада 10 тадан жами 40 та микролоиҳани қўллаб-қувватлаш учун 1,5 миллиард сўмлик имтиёзли кредит ажратилиши кўзда тутилган, — дейди маҳалла банкири. — Шу кунга қадар Сайхунбод тажрибаси асосида 40 миқозга 800 миллион сўмлик микролоиҳалар

ва лойиҳа пакетлари молиялаштирилиб, 80 кишининг бандлиги таъминланди. Уйчи тажрибаси бўйича 90 тадбиркорни қамраб олиш орқали 180 та доимий иш ўрни очил режалаштирилган. Мухими, бу йўналишда ишлаш истагидаги ташаббускорлар кўп. Уларга озгина эътибор, рағбат бўлса, бас. Жойларда “Бир маҳалла — бир маҳсулот” тамойили асосида маҳсулот етиштириш йўналишидаги лойиҳаларни қўллаб-қувватляпмиз. Чунки ҳар бир маҳалланинг ўзига хос иш услуби, ўсиш нуқтаси бор. Масалан, Самандарак маҳалласида томорқачилик, Пахтабодда мебель ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш тармоқлари ривожланган. Фаолиятимиз давомида бу борадаги ишлар салмоқини янада ошириб, ташаббускорларга амалий кўмак берапмиз.

“Пахтабод” маҳалла фуқаролар йиғинида яшаётган Отабек Шерматовга “Маҳалла лойиҳаси” дастури доирасида 50 миллион сўмлик кредит ажратилди. Бунинг ҳисобига хўжалиқда қорвалчилик йўналишида тадбиркорлик йўлга қўйилиб, хонадоннинг 2 аъзоси иш билан таъминланди.

— Маҳалла банкирларининг иши оптикча оворатаргичларига барҳам бери, — дейди “Майлабой” маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Рустамжон Азаматов. — Новвойлик қиламан, аммо тадбиркорлик йўналишида мустақил фаолият юритиш, кредит олиш, бизнес лойиҳалар ишлаб чиқишда бирмунча қийинчилик ва тушунмовчиликларга дуч келётганим учун бу ишни бошлашга журъат топа олмаётганим. Маҳалла банкири бу борадаги ишларга маслаҳат бериб, керакли йўл-йўриқ кўрсатди. Новвойлик йўналишида тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш учун 15,5 миллион сўмлик имтиёзли кредит олишимизга кўмаклашди. Натигада 2 та янги иш ўрни очдим. Оилам фаровонлиги учун қўшимча даромад топиш имкониятига эга бўлдим.

“Самандарак” маҳалла фуқаролар йиғинида 1030 та хонадон бор. Аксарият одамлар томорқасида ловия етиштирилади. Бу иш ривожлантирилиб, томорқадан 2-3 марта ҳосил олиш чораси кўрилди. Томорқалардан самарали фойдаланиш, маҳсулот етиштиришдан сотиб олишгача бўлган жараёнининг жанжир тизимини яратиш мақсадида ҳар бир маҳаллага илгор тадбиркорлар бириктирилди. Бу бир хонадонда йилгига 50-60 миллион сўмгача даромад олиш имкони беради. Етакчи тадбиркор — “Бағдод соҳили” МЧЖ хонадонларга ловия

урғуи ва кимёвий воситалар етказиб берди. Шунингдек, маҳсулот етиштирилгунгача бўлган агротехник тадбирларни амалга оширишда ҳар жиҳатдан кўмаклашмоқда.

— Ўн сотих томорқамизда биринчи экин сифатида ловия экиб, ҳосилидан 20-25 миллион сўмгача даромад олишни қўлаб туримиз, — дейди Асқарали Ҳайдаров. — Бу жараёнда илгор тадбиркорлар билан ҳамкорлик йўлга қўйилгани айни муддао бўлди. Улар сархил ловия уруғи, керакли кимёвий воситалар, усқуналар етказиб берапти. Иккинчи экин сифатида помидор экиб, парваришлаш юзасидан шартнома тузганмиз. Бу ўрта ҳисобда 30-40 миллион сўм даромад олиш имкони дегани. Мухими, етиштирилган маҳсулотимизнинг эгаси, бозори бор. Бу — деҳқон учун жуда қулай жараён.

Маҳалла банкирлари оилавий бизнес лойиҳаларини кенгайтириш орқали қўшимча иш ўринлари очишга ҳам камарбаста бўлмоқда. Илгари кредит олиб “ўрта”дан “яхши” тоифага ўтган миқозлар орасида сўрвонмага ўтказилиб, фуқароларни кичик бизнес, яъни яқка тартибдаги тадбиркорлик ва оилавий қорхоналар очиш орқали ишбилармонликка жалб қилишга алоҳида эътибор бериляпти. 159 та микролоиҳани шакллантириш туфайли йил якунига қадар 318 фуқаронинг бандлиги таъминланди.

Тадбиркор Нодирбек Қодиров раҳбарлигидаги “Элёрбек” хусусий қорхонасига маҳалла банкири таклифи билан замонавий дастохлар учун кредит маблағи ажратилган, қорхонанинг ишлаб чиқариш қуввати ошди. Қорхонага 100 миллион сўм имтиёзли кредит ажратилиб, кийим-кечак маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш кўлами кенгайтирилди. Маҳалла банкири кўмаги билан энди бу бизнес лойиҳа бошқа тадбиркорлик субъектларида ҳам таъбиқ этилмоқда. Бу қанчадан-қанча янги лойиҳалар, харидоригр маҳсулотлар, иш ўринлари ва қўшимча экспорт, дегани.

Маҳалла банкирлари аҳолининг том маънодаги кўмакчиси, маслақдошига айланди, десак муболага бўлмайди. Янги тизим маҳаллалар иқтисодий фаолиятини мустаҳкамлаш, аҳоли манфаати ва фаровонлигини ошириш, ҳудудлар ободлигини таъминлаш, ташаббускорларни рағбатлантириш, иш тажрибаларини оммалаштиришга хизмат қилмоқда.

Расулжон КАМОЛОВ,  
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

Медиа форум

“БИРЛАШИШ НУҚТАСИ”

ОЧИҚ ВА ШАФФОФ АХБОРОТ ЖАМИЯТИ САРИ ҚАДАМЛАР

Ўзбекистон Миллий медиа бирлашмаси ташаббуси билан “Бирлашиш нуқтаси” IV халқаро медиа форуми ташкил этилди. “Сўз ва матбот эркинлиги — Учтинчи Ренессанс пойдевори” мавзусида ўтказилган форумда барқарор ривожланишни таъминлашда оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва аҳамиятига доир муҳокаmalar бўлиб ўтди. Тадбирда халқаро ва маҳаллий мутахассислар, давлат тузилмалари, телерадиокомпаниялар, таълим соҳаси вакиллари, ёш инноваторлар, стартапчилар ва тадбиркорлар иштирок этди.



Форумда Ўзбекистон Миллий медиа бирлашмаси замонавий медиа муҳитини шакллантиришга хайрхоҳлигини намён этиб, очик журналистика тамойилларини илгари сурди.

— Ўтказилган форум шунини кўрсатдики, сўз эркинлиги ва инновациялар келажакда минтақа тараққиётининг ажралмас қисмига айланиши муқаррар. Президентимиз ташаббуси билан бошланган Янги Ўзбекистон ислохотлари натижасида янги ташаббуслар учун мустаҳкам пойдевор қўйилди. Бундан ташқари, бүгунги кунда журналистлар ва медиа ахлининг эмин-эркин фаолият олиб бориши, ўз фикрини тўлагичча билдира олиши, юртин баралла мадҳ эта олиши давлатимиз раҳбари томонидан 2016 йилда

бошланган очиклик ва ошқоралик сисёати, сўз эркинлигининг қўллаб-қувватланиши натижасидир, — дейди Ўзбекистон Миллий медиа бирлашмаси бошқаруви раиси Шерзодхон Қудратхўжа.

Иштирокчилар панелларга бўлинган ҳолда муҳокамани давом эттирди. Хусусан, биринчи сессияда мамлакатимиз медиа сисёати етакчи вакиллари жамланиб, Ўзбекистон сўз эркинлигини таъминлаш, очик ва замонавий ахборот жамиятини барпо этиш йўлида изчил одимлаётганини таъкидлади.

Форумнинг иккинчи сессияси ғоялар ва очик фикрлар майдони вазиасини ўтди. Унда муаллифлик медиамасқулотлари истиқболи, янги авлоднинг ахборот майдонидаги роли, журналистлар ҳуқуқлари

ҳимояси, рақамли трансформация жараёнидаги муҳим тенденциялар муҳокама қилинди. Медиа муҳитининг узлуқсиз ривожланиши ва аудитория ишончини мустаҳкамлашда сифат, холислик ва инновацияларнинг ўрни муҳимлиги алоҳида таъкидланди.

Тадбир “Медиахақатон: медиаконтент ва сунъий интеллект” номли инновацион сессия билан якунланди. Сунъий интеллект, автоматлаштириш ва янги тил алгоритмлари иждоий, самарали ва мослашувчан контент яратишга хизмат қилиши қайд этилди.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, Ўзбекистон бугун нафақат глобал тенденцияларни қабул қилмоқда, балки бой анъаналарни замонавий технологиялар билан уйғунлаштириб, ўз тараққиёт йўлини шакллантирмоқда. Энг яхши лойиҳалар юқори баҳоланиб, кейинги босқичларда амалиётга жорий қилиш учун “йўл харитаси”га кирилди. Форум якунида иштирокчилар сўз эркинлиги йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш, барқарор ахборот сисёатини ишлаб чиқиш ва медиа соҳасини рақамли даврга мослаштириш бўйича муҳим тавсиялари билан ўртоқлашди.

“Бирлашиш нуқтаси” шунчаки тадбир эмас, балки янги давр учун йўналиш белгилувчи майдон бўлди. Бу ерда сўз эркинлиги ва инновациялар уйғунлашди. Мамлакатимизнинг минтақадаги етакчилик позициясини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Ўзбекистон Миллий медиа бирлашмаси эркинлик, шаффофлик ва технологик тараққиётга асосланган замонавий, масъулиятли ва ишончли медиа тизимини яратишга интиломоқда. Форум натижалари эса сўз эркинлигини илгари сурдиш, медианновацияларни ривожлантириш ва минтақавий ҳамкорликни кучайтириш йўлида янги дастурлар пойдеворидаги айланди.

Ўзбекистон пойдеворидаги ахборот жамиятини шакллантириш сари қатъият билан ҳаракат қилмоқда. Бу ерда сўз кучга эга, технологиялар келажак журналистикаси учун янги ўфқлар очади. Ушбу анжуман янги ҳамкорлик, янги лойиҳа ва ташаббусларга асос бўлиб хизмат қилади.

Сардор ТОЛИБОВЕВ,  
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

Муносабат

Коррупция ажриққа ўхшайди. Илдизини батамом қуритмасангиз, поясини минг марта кесган билан яна ўсиб чиқаверади. У томир отган жойда бошқа ўсимлик ўсмайди. Томири шу қадар яшовчанки, узоқ вақт давом этган қурғоқчиликдан бамисоли хасга айланган илдиз намлик тегиши билан яна тикланади. Шунинг учун деҳқонлар экинни баравж униши, яхши ҳосил олиш учун ерни доим ажриқдан тоза тутиш, бунинг учун томирини битталаб териб олишга одатланган. Коррупция ҳам деярли шундай. Бу иллат қаерда мавжуд экан, ўша ерда ишончсизлик, ёлгон илдиз отади, тараққиёт оёғига тушов солинади. Шу боис, дунё миқёсида ҳал этилиши лозим бўлган глобал муаммолардан бири бўлиб турибди.

Давлатимиз раҳбари Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгашининг жорий йил 5 мартда ўтказилган йиғилишида юртимизда коррупциядан холи муҳит яратиш бўйича қилинган ишларга баҳо берди.

Йиғилишда белгиланган устувор вазифалар ижросини таъминлаш, коррупцияга қарши курашишга жамоатчилик, парламент ва фуқаролик жамияти институтларини кенг сафарбар этиш, шунингдек, давлат органлари ва ташкилотларида “ҳалоллик вакцинаси” тамойили асосида коррупцияга муросасиз муносабатни шакллантириш мақсадида жорий йил 21 апрелда Президентимиз иккита муҳим ҳужжатни имзолади.

Уларда коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш, бундай ҳолатларни барвақт аниқлаш ҳамда олдини олишга қаратилган муҳим вазифалар белгиланган. Хусусан, “Коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш бўйича белгиланган устувор вазифалар ижросини самарали ташкил этишга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармон кескин ва таъсирчан ҳуқуқий механизмлар назарда тутилгани билан аҳамиятлidir.

Ҳар йили ҳудудлар кесимида коррупциянинг олдини олиш, унга қарши курашиш, шу жумладан, маиший коррупцияга барҳам бериш, коррупцияга нисбатан муросасизлик муҳитини шакллантириш бўйича “йўл харита”си тасдиқланади, ижроси назоратга олинади.

АЖРИҚ БОСГАН ДАЛАДАН ҲОСИЛ,

КОРРУПЦИЯ БЎЛГАН СОҲАДАН САМАРА КУТИШ ФОЙДАСИЗ



2027 йил 1 январгача Коррупцияга қарши ички назорат тизими самарадорлигини ошириш бўйича ҳуқуқий эксперимент жорий этилади. Унга мувофиқ, Соғлиқни сақлаш, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги, Сув хўжалиги вазирликлари, “Ўзбекнефтгаз” АЖ ҳамда “Ўзсувтаъминот” АЖнинг коррупцияга қарши ички назорат бўлинмалари раҳбари лавозимига Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ходимлари тайинланади.

бевосита ҳимоя қилади. Худди шундай ҳоқимлар ҳам жойларда ушбу амалиётни амалга оширади.

Фармонда иқтисодиётда коррупциявий омилланинг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар белгиланди. Унга кўра, давлат харидида сотиб олинадиган товар ва хизматлар нархи ҳамда унинг ўртача бозор нархи ўртасидаги тафовутнинг энг кўп йўл қўйиладиган чегарасидан четга чиққан ҳолда харидаларни амалга оширган мансабдор шахслар жавобгарликка тортилади. 2025 йил 1 июлдан йирик инвестиция лойиҳаларида коррупцияга қарши халқаро стандартлар ҳамда йирик аукцион шартларини рақобатбардорлиқ экспертизасидан ўтказиш тартиби йўлга қўйилди.

“Шаффоф қурилиш” миллий ахборот тизими қамрови кенгайтирилиб, босқичма-босқич халқаро ташкилотлар иштирокидаги лойиҳаларга жорий қилинади.

— Фармон билан прокуратура органлари ўз фаолиятини амалга оширишда коррупциявий омиллани аниқлаш ва уларни бартараф этиш билан боғлиқ таҳлилий фаолиятга алоҳида урғу бериши белгиланди, — дейди Бош прокуратура бошқарма прокурори Зафаржон Кўчқоров. — Бунда Бош прокуратура таркибиде коррупциявий омиллани таҳлил этиш бўйича алоҳида бўлим ташкил этилади. Шунингдек, бу борадаги қонунларнинг аниқ ва бир хил ижро этилишини назорат қилиш ҳамда коррупциявий ҳуқуқбузарликлар содир этилишига имкон берувчи ҳолатларнинг олдини қонун ижодкорлиги босқичида олиш мақсадида прокуратура органларига меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш ваколатини бериш назарда тутилмоқда.

2025 йил якунига қадар халқаро тендер объектлари бўйича субюдратчиларни “Шаффоф қурилиш” тизими орқали жалб

қилиш, қиймати 2 миллион АҚШ доллари-гача бўлган, халқаро молия ташкилотлари ҳисобидан молиялаштириладиган маҳаллий тендерларни “Шаффоф қурилиш” тизимидан ўтказиш ҳамда халқаро тендерлар бўйича жалб қилинган чет эл пулрат ташкилотлари шартнома қийматининг кдамида 60 фоизини ўз кучи билан бажариши тартиби жорий этилади.

2026 йил 1 январга қадар вазирлик ва идоралар, маҳаллий ҳоқимликлар томонидан кўрсатиладиган барча давлат хизматларини туман (шаҳар) кесимида аҳолининг ўзи баҳолайдиган тизим йўлга қўйилади. Бунда аҳоли томонидан “қоникарсиз” деб баҳоланган давлат хизматларини кўрсатишда коррупциявий омиллари бартараф этиш, туман (шаҳар) ҳоқимларининг шахсий жавобгарлиги белгиланади.

— Шу билан бирга, бюрократик тўсиқларнинг олдини олиш мақсадида алоҳида платформа жорий этилади, — дейди Коррупцияга қарши курашиш агентлиги масъул ходими Мироншоҳ Расулов. — Ушбу платформада фуқароларни энг кўп қийнаб келётган масалаларнинг ечим ва таклифлари бериб борилади. Асосийси, мамлакатимизнинг исталган ҳудудидан мобил илова орқали бу платформага кириш имконияти яратилади.

Коррупцияга қарши курашиш самарадорлигини ошириш учун йил якунига қадар 21 та меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат чиқарилади. Уларнинг ижросини таъминлаш учун вазирлик ва идоралар раҳбарларининг шахсий жавобгарлиги белгиланди.

Президентимизнинг “Давлат органлари ва ташкилотларининг коррупцияга қарши ички назорат бўлинмалари мустақиллигини таъминлаш ҳамда фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида давлат хизматиға профессионал ва фидойи кадрларни танлаш борасидаги устувор вазифалар белгиланган.

Бундан ташқари, давлат хизматларини кўрсатишда коррупциявий омиллари бартараф этиш, маиший коррупциянинг олдини олиш, рақамлаштириш, бюрократик тўсиқларни камайтириш борасида таклифлар ишлаб чиқади. Энг муҳими, идоравий ҳужжатларни коррупцияга қарши курашиш бўйича экспертизадан ўтказиш ва якунлари бўйича аниқланган коррупциявий омиллари бекор қилиш бўйича таклифлар киритилади.

Давлат органлари ва ташкилотлари ҳудудий бўлинмалари ҳамда таркибий ташкилотларининг коррупцияга қарши ички назорат бўлинмалари раҳбарлари ва

ҳодимлари республика даражасидаги давлат органлари ва ташкилотларининг биринчи раҳбарлари томонидан тайинланади ҳамда фаолияти мувофиқлаштирилади. 2027 йил 1 январгача Коррупцияга қарши ички назорат тизими самарадорлигини ошириш бўйича ҳуқуқий эксперимент жорий этилади. Унга мувофиқ, Соғлиқни сақлаш, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги, Сув хўжалиги вазирликлари, “Ўзбекнефтгаз” АЖ ҳамда “Ўзсувтаъминот” АЖнинг коррупцияга қарши ички назорат бўлинмалари раҳбари лавозимига Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ходимлари тайинланади.

Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ҳуқуқий экспериментнинг натижаларини таҳлил қилиш асосида 2027 йил 1 январга қадар ушбу тизимни бошқа давлат органлари ва ташкилотларига ҳам татбиқ этиш юзасидан асослантирилган таклифлар тайёрлиди.

— Мазкур экспериментда қатор янги тажрибалар жорий этилади, — дейди Коррупцияга қарши курашиш агентлиги бош инспектори Сардоржон Маманов. — Хусусан, айнан эксперимент даврида юқорида санаб ўтилган бешта ташкилотнинг коррупцияга қарши ички назорат бўлинмаси ходимлари тўлиқ таркибда агентлигимиз бўйсунувига ўтказилади. Улар фаолиятининг ҳуқуқий эксперимент давомидаги энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари (KPI) белгиланади.

Ҳуқуқий ҳужжатларда кўзда тутилган чора-тадбирлар амалга оширилиши натижасида жамиятда барқарорлик муҳити мустаҳкамланади ва одамларнинг розилиги ортади. Аҳоли, айниқса, ёшларнинг ҳуқуқий онги юксалиб, коррупцияга қарши курашишга дахлдорлиги ошади.

Лутфулла СУВОНОВ,  
“Янги Ўзбекистон” муҳбири



2025 йил – Атроф–муҳитни асраш ва “яшил иқтисодиёт” йили

## ЯНГИ ЭНЕРГЕТИКА ТАРМОҚЛАРИ

## ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТИНИНГ УСТУНИ БЎЛАДИ

Қаҳрамон АЛЛАЕВ,  
академик,  
Икромжон РАҲМОНОВ,  
профессор

Бошланиши 1-бетда

Ўзбекистоннинг ёқилғи-энергетика комплекси айнан шу трендлар асосида ривожланмоқда. Юртимизнинг энергетика соҳасидаги ютуқлари халқаро ташкилотлар томонидан юқори баҳоланяпти. Масалан, 2022 йилда Халқаро энергетика агентлиги томонидан эълон қилинган ҳисоботда бундай дейилади: “2019 йилда бошланган энергетика секторини кенг кўламада ислоҳ қилиш жараёни барқарор суръатларда давом этмоқда. Бу ислохотларнинг кўлами бошқа давлатлар билан таққослаганда жуда амбицияли бўлиб, ХЭА Ўзбекистон ҳукумати ҳозиргача эришилган натижалар учун олқинлайди”.

Ушбу юқори баҳо мамлакат ёқилғи-энергетика мажмуаси иқтисодиёт тармоқлари ва аҳолини электр, иссиқлик ва бошқа турдаги энергия ресурслари билан узлуқсиз ва ишончли таъминлаш сари тўғри йўлда эканини кўрсатади.

Жорий йилнинг 3-4 апрель кунлари Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган “Европа Иттифоқи — Марказий Осиё” биринчи саммити натижалари ҳам халқаро ҳамжамият томонидан Ўзбекистоннинг “яшил” энергетика, рақамли интеграция, сув ва энергетика лойиҳалари соҳасидаги ютуқлари юқори баҳоланаётганини яққол намоян этди.

## Газ захирасидан оқилона фойдаланиш зарур

Бугунги кунда мамлакатда нефть захиралари 81 миллион тоннани ташкил этади. Афсуски, сўнгги йилларда уни қазиб олиш ҳажми камайиб бормоқда. Шу билан бирга, ушбу давр мобайнида бензин ишлаб чиқариш ҳажми 1,11 миллион тоннадан 1,34 миллион тоннага, мазут ишлаб чиқариш эса 111,8 минг тоннадан 164,1 минг тоннага ошган.

Сўнгги йилларда нефть-газ соҳасидаги муҳим жиҳатлардан бири инвестицион дастурларни янги, юқори технологияли ишлаб чиқариш қувватларини яратишга йўналтириш бўлди. Натижада бу ишлаб чиқаришлар замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозланиб, углеводород ресурсларини чуқур қайта ишлаш имконини бери, янги иш ўринларини яратишни таъминлаяпти.

Бугунги кунда Ўзбекистонда табиий газнинг геологик захиралари 5 триллион куб метрдан зиёдин ташкил этади. Тасдиқланган захиралар ҳажми эса 1,1 триллион куб метрдан ортқ. 2024 йилда мамлакатда тахминан 47 миллиард куб метр табиий газ қазиб олинди. Захиралар катта бўлишига қарамай, узоқ муддатли истиқболда газ қазиб чиқариш ҳажми камайиши мумкин. Бу эса муқобил ечимларни излашни тақозо этади.

Табиий газдан оқилона фойдаланиш ва эскирган газ-турбинали ускуналарни модернизациялаш доллар бўла бўлиб қолмоқда. Газ қувурларини янгиллаш, қайта ишлаш қувватларини яратиш бўйича ишлар олиб бориляпти. Экспорт ҳажми муҳим бўлишига қарамай, устуворлик тобора ички бозорга қаратилмоқда.

## Кўмир саноати истиқболлари

Геологик тадқиқотларга кўра, Ўзбекистонда 5,7 миллиард тонна кўмир захираси мавжудлиги прогно қилинган бўлиб, шундан 2 миллиард тоннаси ўрганилган. Шу билан бирга, 47 миллиард тоннадан ортқ сланец захиралари бор. Кўмир ишлаб чиқариш 2023 йилда 6,5, 2024 йилда 8 миллион тоннани ташкил этган бўлса, узоқ истиқболда 20 миллион тоннага етиши кутилмоқда. Бу мақсадга эришиш учун халқаро стандартларни жорий этиш, кўмир сифатини ошириш, инвестицион лойиҳаларни жадаллаштириш зарур. 2024 йилда энергетикада 5 миллион тонна кўмир ишлатилган. Ўзбекистонда фақат икки хил — кўнғир ва тошкўмир қазиб олинади. Унинг 97-99 фоизи кўнғир кўмирдир. 2030 йилдан кейин табиий газ қазиб чиқариш камайиши мумкинлиги боис, кўмир асосий ёқилғи манбаига айланиши эҳтимоли юқори.

Кейинги йилларда 15 та қалин қайта ишлаш лойиҳаси амалга оширилди. Улар

асосида юқори қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқариш орқали 2030 йилгача 180 миллион долларлик экспортга эришиш режалаштирилмоқда.

Сланец технологиялари кенг жорий этилиши туфайли АҚШ импортёрдан экспортёрга айланганини инобатга олсак, бу Ўзбекистон учун катта истиқболлар эшигини очади.

## Куёш, шамол, сув — туганмас манба

Гидроэлектростанция — ГЭС экологик тоза, барқарор энергия манбаидир. Президентимизнинг 2023 йил 30 мартдаги қарори гидроэнергетикани янада ислоҳ қилишда муҳим аҳамиятга эга бўлди. 2024 йилда “Ўзбекгидроэнерго” АЖ ГЭСлари мамлакат умумий энергия ишлаб чиқаришининг 12-13 фоизини ташкил этди ва умумий қуввати 2225 МВтга етди. 2024 йилда жами 17 МВт-ли 18 та микро ГЭС ишга туширилган. Яқин йилларда микро ГЭСлар қуввати 27 МВтга етиши кутилмоқда.

Сўнгги 8 йилда ГЭСлар сони 37 тдан 58 тага етказилди, яқин келажакда 71 та бўлади. 2030 йилгача умумий қувватни 3800 МВтга, кейин эса 6000 МВтга етказиш режалаштирилган. Йиллик электр ишлаб чиқариш ҳажми 7 миллиард кВт-соатдан 17 миллиард кВт-соатга етади.

Куёш ва шамол энергияси ўзгарувчан ва об-ҳавога боғлиқ бўлгани учун энергияни захиралаш тизимлари стратегик аҳамиятга эга. Бунинг энг самарали ечими гидроаккумуляцион станция — ГАЭСлардир. Ҳозир “Ўзбекгидроэнерго” Россиянинг “Гидропроект” институти билан ҳамкорликда юртимизда 5000 МВтдан ортқ, жумладан, Тошкентда 2300 МВт, Жиззада 800 МВт, Қорақалпоғистонда 500 МВт, Бухорода 500 МВт, Хоразмда 350 МВт, Андижонда 250 МВт, Қашқадарёда 250 МВт қувватга эга

2030 йилгача қайта тикланувчи энергия манбаларида электр энергияси ишлаб чиқариш ҳажми ҳозирги 12,97 миллиард кВт-соатдан 54,4 миллиард кВт-соатгача, 2035 йилгача эса 64,9 миллиард кВт-соатгача оширилади. Агар 2035 йилгача Европада 15 миллиард кВт-соат энергия экспорт қилиш режаси амалга ошса, ишлаб чиқариш ҳажми 70,69 миллиард кВт-соатга етади.

ГАЭСлар куриш имкониятларини ўрганмоқда. 2030 йилгача Ҳўжакент ва Юқори Писком ГАЭСлари курилади. Улар жами 1200 МВт қувватга эга бўлиб, 2 миллиард долларлик инвестиция талаб қилади.

## “Яшил” энергетика — келажак соҳаси

Қайта тикланувчи энергия манбалари таркибига ГЭС, гидроаккумуляцион станциялар, куёш, шамол ва биомассага асосланган энергия манбалари кирди. 2030 йилгача қайта тикланувчи энергия манбалари улуши юртимиз умумий энергетика қувватларининг камид 54 фоизини ташкил этиши лозим. Бу кўшимча 27 гигаватт “яшил” қувватларни ишга тушириш дегани. Ушбу чоралар “яшил” энергетикага тез ўтишни таъминлайди, қайта тикланмайдиган энергия ресурсларига қарамлики камайиб, газ генерациясига тушадиган юматиларни енгиллаштиради. Шу билан бирга, зарарли газлар эмиссиясини қисқартириб, энергетик хавфсизлигини оширади.



Сўнгги йилларда қайта тикланувчи энергия манбаларини кенг жорий этиш ва амалга оширишга катта эътибор қаратилмоқда. Бу иш жуда тез амалга ошмайди, албатта. Аммо “яшил” энергия соҳасини ривожлантириш бўйича белгиланган вазифалар стратегик мақсадларга эга ва шунинг учун улар сўзсиз амалга оширилади. Бугунги кунда “яшил” ривожланиш Ўзбекистонда умуммиллий ҳаракат даражасига кўтарилган.

Жаҳон банки маълумотларига кўра, Ўзбекистонда куёш ва шамол энергияси техник салоҳиятининг ҳар бири 500 гигаваттдан ортқини ташкил этади. Бундан ташқари,



биомасса (15-17 ГВт) ва геотермал энергия (1 ГВтгача) каби қайта тикланувчи энергия манбалари турлари ҳам ривожлантирилиши лозим.

Ҳозирги кунда Бирлашган Араб Амирликларининг “Masdar”, Саудия Арабистонининг “ACWA Power” ва Франциянинг “TotalEnergies” каби компаниялари билан

кВт-соатдан 54,4 миллиард кВт-соатгача, 2035 йилгача эса 64,9 миллиард кВт-соатгача оширилади. Агар 2035 йилгача Европада 15 миллиард кВт-соат энергия экспорт қилиш режаси амалга ошса, ишлаб чиқариш ҳажми 70,69 миллиард кВт-соатга етади.

## Водород энергетикаси

Ўзбекистон “яшил” водородни ўзининг энергетик ўтқиш стратегиясининг муҳим таркибий қисм сифатида кўриб чиқмоқда. “Яшил” водород қайта тикланувчи ва атом энергияси манбалари асосида ишлаб чиқа-

риладиган водород ҳисобланади. Водород энергияни захиралаш ва узоқ масофаларга етказиб бериш учун истиқболли ечим сифатида кўрилмади. Президент фармонида мувофиқ, мамлакатда водород энергетикасини ривожлантириш истиқболларини ўрганиш мақсадида Энергетика вазирлиги ҳузурида водород бўйича илмий-тадқиқот маркази ташкил этилган.

Европа тикланиш ва тараққиёт банки Ўзбекистонга “яшил” водород ишлаб чиқарувчи завод курилишига молиявий кўмак бермоқда. Бу лойиҳа декарибонизация қилинган ўғитлар ишлаб чиқариш учун амалга ошириляпти. Завод таркибида 20 МВт қувватдаги электролизер ва 52 МВтли янги шмол электростанцияси бўлади. Ушбу лойиҳа Марказий Осиёдаги биринчи бўлиб, “ACWA Power” ҳамда “Ўзкимёсаноат” ҳамкорлигида рўёбга чиқарилмоқда. Завод фойдаланишига топширилгандан сўнг йилгача 3000 тонна қайта тикланувчи водород ишлаб чиқариши ва СО<sub>2</sub> чиқиндиларини йилгача 22000 тоннагача қисқартириши кутилмоқда.

## Электр энергетикаси

Ўзбекистонда энергия истеъмолчи йилгача ўртача 6-7 фоиз ўсмоқда. 2024 йилда мамлакатда 81,5 миллиард кВт-соат электр энергияси ишлаб чиқарилиди. 2025 йилда эса 84 миллиард кВт-соатга етказилиши режалаштирилган. Бу 2016 йилдагидан 25 миллиард кВт-соат ёки 1,5 баробар кўп. Таҳлилларга кўра, Ўзбекистон энергетика тизимининг ўрнатилган қуввати 2024 йилдаги 23,1 ГВтдан 2030 йилга келиб, 39,43 ГВтга, 2035 йилда эса 45,83 ГВтгача ошади. Электр энергияси ишлаб чиқариш ҳажми 2030 йилда 140,1 миллиард кВт-соатга, 2035 йилда эса 169,43 миллиард кВт-соатгача кўпайиши кутилмоқда. Шу билан бирга, аҳоли жон бошига тўғри келадиган электр энергияси ишлаб чиқариш ҳажми 2196 кВт-соатдан 2035 йилгача 3909 кВт-соатгача ўсади.

Бу эса, ўз навбатида, ишлаб чиқариш қувватлари эскириши, тармоқлардаги йўқотишлар, газга боғлиқлик ва энергия манбалари диверсификация етишмаслиги каби муаммоларни бартараф этишга комплекс ёндашуви талаб қилади. Сўнгги йилларда ИЭСлар модернизация қилинмоқда. Уларда бир вақтнинг ўзида электр ва иссиқлик энергиясини ишлаб чиқарувчи буг-газ қурилмалари ўрнатилмоқда. ИЭСларда фойдаланиш самарадорлиги 60 фоиз ва ундан юқорига етади. Келгусида когенерацион станциялар курилиб, улар нафақат электр ва иссиқлик, балки совуқ энергия ҳам ишлаб чиқаради. Шу орқали уларнинг самарадорлиги 90 фоизгача етиши ва ёқилғи сарфини сезиларли даражада камайтириши кутилмоқда.

Ўзбекистонда электр узатиш тармоқлари янгиланмоқда. Юқори кучлиниши электр узатиш линияларининг умумий узунлиги 230 минг километрдан ошади. Энергетика тармоқларини рақамлаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. “Ақли” ҳисоблагичлар ва автоматлаштирилган бошқарув тизимларининг электр энергияси истеъмолини

аниқроқ кузатиш ва йўқотишларни камайтириш имконини беради. Энергия истеъмолчиси мониторинг қилиш, прогнозлаш ва оптималлаштиришнинг интеллектуал тизимлари ишлаб чиқилмоқда.

2022 йилда Энергетика вазирлиги энерготизимни интеллектуаллаштириш бўйича лойиҳанинг биринчи босқичини амалга оширди — 7,5 миллион истеъмолчига АСКУЭ тизими орқали электрон ҳисоблагичлар ўрнатилди. Бу мамлакат бўйлаб энергия йўқотишларини 5 фоизгача камайтиришга имкон берди.

## Самарадорлик нималарга боғлиқ?

Ўзбекистонда энергетика соҳасидаги кенг қамровли ислохотлардан бири, шубҳасиз, энергия самарадорлигини оширишдир. Мамлакатда ҳозирги кунда электр энергиясини узатиш ва тақсимлашда катта йўқотишлар кузатишмоқда, иқтисодиётнинг энергия сарфи эса жаҳон стандартларига нисбатан юқори.

Прогнозларга кўра, 2030 йилгача Ўзбекистон аҳолиси сони 41 миллион кишига етиб, иқтисодиёт ҳажми 2 баробар ўсади. Бу энергия ресурсларига талабни 1,5 баробар оширади. Шулар инобатга олиниб, сўнгги йилларда иқтисодиёт тармоқларида энергия сарфини камайтириш ва самарадорлигини оширишга қаратилган қатор қарорлар қабул қилинди. Ўзбекистонда 1 квадрат метр майдон учун иссиқлик энергияси сарфи 390 кВт-соатни ташкил этиб, бу кўрсаткич, Масалан, Нидерландияда 95 кВт-соатга тенг. Шу боис, 2030 йилгача иқтисодиётнинг энергия сарфини 1,5 баробар камайтириш бўйича мақсадли дастур қабул қилинган.

Президентимизнинг жорий йил 27 февралдаги қарорида 2025 йилда энергия ресурсларидан самарали фойдаланиш чоратадбирлари белгиланган. Асосий кўрсаткичлар 3,3 миллиард куб метр табиий газ ва 3,5 миллиард кВт-соат электр энергиясини тежашдир.

Кичик қайта тикланувчи энергетика объектларини ривожлантиришга ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Масалан, умумий қуввати 100 МВт бўлган 300 та кичик куёш электростанцияси курилиши 45 миллион куб метр газни тежаш имконини беради. Шунингдек, каналлар ва дарёлар ёқасида 1000 дан зиёд микро ГЭС курилиши орқали 175 миллион кВт энергия ишлаб чиқариш мумкин.

## Экология

Юртимизда 2025 йил Атроф-муҳитни асраш ва “яшил иқтисодиёт” йили деб номланди. Ўзбекистон 2018 йилда Париж иқлим келишувини ратификация қилган. Экологик муаммолар энергетика сектори учун ҳам жиддий қаҳриқ бўлиб қолмоқда. Электр энергиясининг асосий қисми газ ва кўмир воситасида ишлаб чиқарилгани сабабли иссиқхона газлари чиқиндилари ҳаво сифати ёмонлашишига олиб келяпти.

Шу билан бирга, анъанавий энергия манбалари катта миқдорда сув сарфлашни талаб этади. Бу эса сув танқислиги билан боғлиқ муаммолар шароитида Ўзбекистон учун жуда муҳим. Сув танқислиги қучайиши аҳоли сони ўсиши ва озик-овқат ҳамда энергияга талаб орттиши билан боғлиқ. Шунингдек, Ўзбекистонда музликлар ҳажми камаймоқда. Жумладан, Пском дарёси музликлари 50-60 йилда 24 фоиз, Сурхондарёда 40 фоиз, Қашқадарёда эса 70 фоиз қисқарган.

Ўзбекистон 2030 йилгача СО<sub>2</sub> чиқиндиларини 35 фоизгача камайтиришни режалаштирмоқда. Бу мақсадга эришиш учун қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш, энергия самарадорлигини ошириш ва замонавий технологияларни жорий этишга қаратилган лойиҳалар рўёбга чиқариляпти. АЭС курилиши углеводородларга қарамлик ва иссиқхона газлари чиқиндиларини камайтиришда муҳим роль ўйнайди.

66

Ўзбекистон 2030 йилгача СО<sub>2</sub> чиқиндиларини 35 фоизгача камайтиришни режалаштирмоқда. Бу мақсадга эришиш учун қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш, энергия самарадорлигини ошириш ва замонавий технологияларни жорий этишга қаратилган лойиҳалар рўёбга чиқариляпти. АЭС курилиши углеводородларга қарамлик ва иссиқхона газлари чиқиндиларини камайтиришда муҳим роль ўйнайди.

## Бозор механизмлари жорий этилади

Ўтказилаётган ислохотлар ва йирик инвестиция лойиҳалари мамлакат энергетика стратегиясида жиддий ўзгаришларга сабаб бўлмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2023 йил 28 сентябрдаги “Энергетика соҳасини ислоҳ қилишнинг навбатдаги босқичини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонида мувофиқ, Энергетика бозорини ривожлантириш ва тартибга солиш агентлиги ташкил этилди. Ислохотларнинг асосий жиҳатларидан бири энергетика соҳасида бозор механизмларига ўтиш ва хусусий сектор ролини кенгайтиришдир. 2030 йилга қадар Ўзбекистоннинг барча ҳудудларида электр ва газ тармоқларини хусусий операторларга топшириш режалаштирилган.

Ўзбекистон энергетика бозорига соғлом рақобат муҳитини шакллантириш, барча иштирокчилар учун тенг имкониятлар яратиш ва шаффоф нарх механизминини жорий этиш мақсад қилинган. Электр энергиясини етказиб беришдаги монополия тугатилади ва ижтимоий ҳимоя кафолатлари сақланган ҳолда бозор механизмлари жорий этилади.

Электр энергияси улгуржи бозорига тўлиқ ўтиш 2027 йилга, газ бозорига ўтиш эса 2028 йилга режалаштирилган. Давлат-хусусий шериклик механизмларини ривожлантириш, нархни шакллантиришда бозор механизмларини жорий этиш, инвестицион жозибадорлиқни ва ёқилғи-энергетика комплекси самарадорлигини ошириш йўналишлари устувор аҳамиятга эга.

## Марказий Осиё ягона энерготизими

Мамлакатимиз энергетика сектори нафақат миллий иқтисодиётда, балки минтақавий ҳамкорликда ҳам муҳим ўрин тутати. Мамлакат кўшни давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлиқни фаол ривожлантирмоқда. Бу орқали энергетик хавфсизлиқни таъминлаш, инфратузилмани модернизациялаш ва илгор технологияларни жорий этиш мақсад қилинган.

Ўзбекистон Марказий Осиёдаги йирик энергия ишлаб чиқарувчилардан бири сифатида кўшни давлатлар билан ўзаро манфаатли ҳамкорлиқни мустаҳкамлаш ва барқарор минтақавий энергетика бозорини шакллантиришга интиломоқда.

Сўнгги йилларда мамлакат минтақавий энерготизимини интеграциялаш йўлида фаол ишланмоқда. Бу электр энергиясини ишлаб чиқариш ва тақсимлашни оптималлаштириш имконини беради. Ўзбекистонда қайта тикланувчи энергия манбалари асосида ишлаб чиқарилган энергияни Европада етказиш бўйича лойиҳа тайёрланмоқда. Ташкил этилаётган энергия коридори 2,5 минг километрни ташкил этиб, Каспий денизги тубидан Озарбайжон ва Грузия орқали Қора денгиз тубидан Руминиягача етиб боради. Муқобил энергияни Хитой ва Россияга етказиш вариантини ҳам кўриб чиқилмоқда. Бу Марказий Осиё ягона энерготизимини тўлиқ тиклаш, энергетика ресурсларидан самарали фойдаланиш ва истиқболли бозор яратиш имконини беради.

\*\*\*

Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистоннинг ёқилғи-энергетика комплекси изчил модернизация йўлидан бормоқда. Унинг стратегик ривожланиши қайта тикланувчи ва атом энергия манбалари симбиози, углеводородларни чуқур қайта ишлаш, водород ишлаб чиқариш ва сланец конларини ўзлаштиришга ҳамда энергия самарадорлигини оширишга асосланади.

Энергетика соҳасида халқаро ҳамкорлик чуқурлашиб, Ўзбекистон глобал ташаббусларда фаол иштирок этмоқда. Ислохотлар ва стратегик ташаббусларни изчил амалга ошириш орқали юртимиз нафақат энергетик хавфсизлиқни таъминлайди, балки замонавий, самарали ва келажакка йўналтирилган энергетика тизимига эга бўлиб, минтақада етакчи ўринни эгаллашга интилади.

Ўрта ва узоқ муддатли истиқболда қонунлар ва Президент фармонлари ҳамда қарорларидан келиб чиқадиган вазифаларни амалга ошириш мамлакатда энергетика тизими ва хавфсизлиқни таъминлайди. Бундай мақсадлар учун юртимизда етарли ресурс базаси, қудратли ишлаб чиқариш салоҳияти ва малакали илмий-техник кадрлар етарли.



2025 йил 8 май, 93-сон

# ЯҚИНДА АНДИЖОН,

Бошланиши 1-бетда

## Илк қадамлар

Йўқ, фуқаро авиацияси тарихини ба-тафсил баён этмоқчи эмасмиз. Аммо баъзи маълумотларни келтириб ўтиш соҳа бора-сидаги тасаввуримизни янада бойитади деб ўйлаймиз.

Юртимиз ҳудудида фуқаро авиацияси тарихи 1924 йилдан бошланган. Биринчи фуқаролик рейси Тошкент — Бишкек — Олмаота йўналишида амалга оширилган. 1927 йилда эса Тошкент — Кобул йўналишидаги биринчи халқаро йўналиш ташкил қилинган. 1958 йилда Тошкент аэропорти халқаро аэропорт мақомига эга бўлди.

Шу кунгача босиб ўтилган бир асрлик йўл ҳазилакам вақт эмас, албатта. У тузум, замон, мавжуд шарт-шароит, имконияتلарга кўра, бир текис ривожланмаган. Ўтган давр мобайнида соҳада тарих саҳифаларига муҳрланган кўплаб воқеалар бўлиб ўтгани, ўзгаришлар амалга оширилгани табиий ҳол. Бироқ бутун дунё мамлакатлари ўртасидаги ҳаво йўллари бир-бири билан чамбарчас туташиб кетаётгани фуқаро авиациямизда катта ислохотларни талаб қилаётди.

Ўтган вақт давомидаги соҳанинг тараққиёт босқичларини инкор этмаган ҳолда, мустақиллик йилларида бошлаган миллий авиация фаолияти ўзгача синов, жиддий ижобий ўзгаришлар даври бўлди. Жумладан, мамлакат аэропортларини ва транспорт инфратузилмасини қайта тиклаш мақсадида 1992 йили “Ўзбекистон ҳаво йўллари” миллий авиакомпанияси ташкил этилди.

Кейинчалик эса “Ўзбекистон ҳаво йўллари” миллий авиакомпанияси дирекцияси”, шунингдек, “Учувчилар мажмуаси”, “Ҳаво алоқалари бош агентлиги” ва “Ўзавиатехтаминот” моддий-техник таъминот мажмуаси” давлат унитар корхоналарини негизда “Uzbekistan Airways” акциядорлик жамияти ташкил этилган ва ҳозир шу номада фаолият юритиб келади.

Ҳар қандай соҳада дастлабки қадамлар осон бўлмайди. Миллий авиакомпания фаолиятининг бошлангич босқичида фуқаро авиациясини модернизация қилиш ва ривожлантириш бўйича муҳим вазифалар белгилаб олинди ва ўтган давр мобайнида муваффақиятли амалга ошириб келинмоқда. Шундай вазифалардан бири фуқаро авиациясида паровлар бўйича янги йўналишларни кўпайтиришга алоҳида эътибор қаратилди ва бу жадаллик билан давом этмоқда.

2018 йил 27 ноябрда мамлакатимиз раҳбарининг “Ўзбекистон Республикасининг фуқаро авиациясини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони қабул қилинган. Унда соҳадаги бошқарувнинг замонавий шакл ва усулларини жадал жорий этиш, тармоқдаги корхоналарни жаҳон тенденциялари, стандартларига мувофиқ таркибий ўзгартiriш, авиатaшувлар бoзopида рақoбатни ривoжлaнтириш, инвестиция жалб этиш учун зарур шарт-шарoитларни яратиш мақсадида қатор вазифалар белгилab берилган.

“Ўзбекистон — 2030” стратегиясида мамлакатимизнинг глобал транспорт-логистика тармоқларига интеграциясини чуқурлаштириш ва миллий транспорт тизими салоҳиятини ошириш белгиланган. Ушбу мақсад доирасида миллий транспорт тизимини ривожлантириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш ҳисобига мамлакатнинг барқарор иқтисодий ўсишини таъминлаш, шу жумладан, авиакатновлар сонини 15 фоиз оширишни назарда тутиш вазифаси қўйилган, йўловчи ва юк тaшиш хизмaтлари ҳажмини 10 фоиз oшириш назарда тутилган.

Авиакатновлар сонини 4 барoбар oшириш, самарaдорлиги пaст бўлган ҳудудий aэpoпopтларни давлат-хусусий шериклик асосида модернизация қилиш ва ишончли бошқарувга бeриш кўрсaтиб ўтилган. Рeспубликaнинг 6 та йирик aэpoпopтини, жумладан, давлат-хусусий шериклик асосида модернизация қилиш ва хусусий авиакомпаниялар сонини 10 тага етказиш режаси қайд этилган. Мамнуият билан айтиш мумкинки, бу режаларни амалга ошириш қoғoзaдигa қoлиб кeтмaйтти.

Ўтган йиллар давомида юртимиз ҳудудидаги аэропортларни модернизация қилиш бўйича ишлар анча жадаллашиб кетди. Аниқ рақам ва фактлар билан айтишдан бўлсак, Самарқанд, Термиз, Урганч, Шахрисабз, Мўйноқ, Кўкон, Зомин ва Сариев аэропортлари янгиланди.

Бугун қайта тикланувчи энергия манбаларини яратиш табиий ресурслари тежасли, асфальт-муҳитни муҳофаза қилиш, аҳолининг энергияга эҳтиёжини қондириш имконини бермоқда. Яъни энергия ишлаб чиқаришининг ушбу усули истиқболли ва келажакда технологияси сифатида аллақачон ўз исботини топди.



Қатор шахарларимизда ҳам модернизация жараёнлари давом этапти.

\*\*\*

2025 йилнинг 15-16 апрель кунлари Президентимизнинг Андижон вилоятига ташири доирасида қатор инфратузилмавий, саноат, транспорт ва ижтимоий лойиҳалар тақдирот қилиниб, ҳудуд тараққиётини белгилаб беришга қаратилган муҳим қарорлар қабул қилинди. Андижон халқаро аэропорти қайта ишга туширилгани эса муҳим янгиллик деб баҳоландики, бу “фалон объект қурилди” қабилидаги оддий маълумот эмас.

Аслида, бу аэропорт 1978 йилда қурилган бўлиб, тезкор замон талабларига мос келмай қолганди. Учинчи-қўниш йўлагининг юк қўтариш қобилияти пастлиги, замонавий ёритиш тизими йўқлиги сабабли қатновларни қабул қилиш имкониятлари чекланган. Бугунги кунда реконструкция ишларининг биринчи босқичи битказилди. Узунлиги 3300 метр, кенлиги 60 метр бўлган янги учинчи-қўниш йўлаги, юриш йўлаги ва самолётлар тўхташ жойи қурилди. Дренаж тизими янгиланди, ер ости суви қочирилди. Шунингдек, бу ерда иккинчи юриш йўлаги қурилиши давом эттирилиб, ICAO CAT-II тоифасидаги радар, метеорология ва ёритиш ускуналарини ўрнатish ишлари олиб боришмоқда.

Натижада “Boeing”, “Airbus” русумидаги йирик самолётларни ноқулай об-ҳаво шароити ва тунги вақтларда ҳам қабул қилиш мумкин бўлади. Бу кунлик паровлар сонини 10 барoбаргача oшириш имконини бeради. Ҳoзир иккинчи бoсқичида йўловчи терминалини янгидан қуриш назарда тутилган. Чунки шу орқали йўловчиларга хизмат кўрсатиш қуввати соати-га аввалги 300 тадан 1000 тага, паровлар сонини йилга 584 тадан 3700 тага ортади. Хусусан, Андижон шаҳри ва Фарғона водийсига қатновлар сонини сезиларли даражада кўпайтириш мумкин бўлади.

Транспорт, айниқса, фуқаро авиациясига мунтазам эътибор қаратилаётганига яна бир далил сифатида қуйидаги воқеаларни келтириб ўтсак.

Жорий йилнинг 1 май куни давлатимиз раҳбарининг ҳудудлар ривож ва аҳоли ҳаёти билан яқиндан танишиш, янги истиқболли режаларни белгилаш мақсадидаги Хоразм вилоятига ташири доирасида ҳам Урганч аэропорти



модернизацияси лойиҳаси борасида ҳисобот берилгани бежиз эмас. Чунки Хоразм қадим тарихи ва обидалари, маданияти билан келатган маҳаллий ва хорижий сайёҳларни, ишбилармонлар сонини кўпайтириб, туризм жозибадорлигини ошириб келатган ҳудуд. Лекин бу борадаги муаммолар ҳам йўқ эмас. Жумладан, соатига 400 йўловчига хизмат кўрсатиш имконияти эга Урганч халқаро аэропорти модернизация ва бошқарув шаклини ўзгартiriшнинг талаб этмоқда.

## Жанубий Кореянинг Инчон аэропорти билан шерикликда

Бу борадаги лойиҳа ижроси юзасидан давлатимиз раҳбарига берилган ахборотга кўра, 2024 йил август ойида эълон қилинган оқиқ теңдер икки бoсқичида ўтказилган ва унда Франция, Жанубий Корея, Туркия, Қатар каби давлатлардан саккизта компания иштирок этган. Идораларо теңдер комиссияси қарори билан Корея Республикасининг “Incheon International Airport Corporation” компанияси ғoлиб топилган. Ушбу компания президенти Инчон халқаро аэропорти сигими бўйича дунёда учинчи ўринда туриши ва сервис хизмат кўрсатиш борасида ҳам етакчилардан эканини билдирди.

\*\*\*

Ҳар қандай корхона, ташкилот ёки муассасанинг имконияти, моддий-техник базаси, қадрлар салоҳияти унинг ривожидида асосий омиллар сирасига қиради. Шу маънода, “Uzbekistan Airways” доимий ривожланишда бўлиб келаяётганини қуйидаги маълумотлар ҳам тасдиқлайди.

Миллий авиакомпания паровлари учун ҳозир “Airbus A320-200”, “Airbus A320neo”, “Airbus A321neo”, “Boeing 767-300ER”, “Boeing 767-300BCF”, “Boeing 787-8”, “ATR-72”, “L-410”, “Airbus A330”, “Pilatus PC-24” русумларидаги ўнлаб самолётлар хизмат кўрсатади.



# БИОГАЗДАН ЭНЕРГИЯ ОЛИШ

## ҲАМ ФОЙДАЛИ, ҲАМ ХАРАЖАТИ КАМ

Аслида, электр энергияси табиатда тўғридан тўғри учрамайди. Бугун фойдаланаётганимиз электр токи иссиқлик электр станциялари, гидроэлектр станциялар, иссиқлик электр марказлари ҳамда атом электр станцияларида шакл-

ланади. Хусусан, ҳозир жаҳонда ишлаб чиқарилаётган электр энергиясининг 70 фоиздан ортиғи иссиқлик электр станциялари ҳиссасига тўғри келади. Шу билан бирга, ривожланган мамлакатларда электр энергияси ишлаб чиқаришининг

КЎЗГУ

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН



## Талаблар ҳам ундан кам эмас

Қўпчилик тегишли олий ўқув юртини тамомлағач, бирданига самолётни бошқарадиган жамоа сафига қўшилади деб ўйлашади. Аммо ҳар бир паровда юзлаб йўловчилар хавфсизлигини зиммасига оладиган бу касба амалий жиҳатдан киришиб кетиш тез фурсатда рўй бермайди.

Мутахассислар таъкидлаш, учувчи бўлиш учун “Uzbekistan Airways” авиакомпаниясига қарашли ўқув-машғулот марказида бошлангич курсларда ўқиб-ўрганиш икки йил давом этади. Асосий талаблар эса техник университетни тамомлаган бўлишининг, IELTS тестида камида 6 балл олишининг ва албатта, соғлигинизда муаммо бўлмаслиги керак.

Юртимиз фуқаро авиацияси хизмати сифати халқаро миқёсда эътироф этилмоқдаки, бу нафақат соҳада хизмат кўрсатаётганлар, шу заминда истиқомат қилаётган ватандошлар қалбига фахр ҳиссини уйғотгани табиий. Жумладан, Бухоро аэропорти бир неча марта “МДХ мамлакатларидаги энг яхши аэропорт”, “Динамик ривожланаётган аэропорт” сифатида баҳолангани, шунингдек, миллий авиакомпаниямиз самолётлари паровлар хавфсизлигини таъминлашдаги ютуқлари, белгиланган жадалдан оғинмай ишлаши, пунктуаллиги билан ҳам хорижий ҳамкасблар томонидан муносиб эътироф этиб келинади. Бу каби ютуқлар ҳисобот ёки ортиқча мақтов эмас, балки фуқаро авиациямиз замон билан қадам-бақадам ижобий ўзгаришларга юз тутгандан дарак беради.

Президентимизнинг 2023 йил 16 октябрдаги “Авиация фаолиятини самарали ташкил этишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, Silk Avia авиакомпанияси “Uzbekistan Airways” АЖ таркибий бўлимаси ҳисобланган “Uzbekistan Helicopters” МЧЖ таркибига ўтказилди.

Шунингдек, мазкур қарорда “Uzbekistan Helicopters” МЧЖ зиммасига маҳаллий авиакатновларининг сонини ошириш, паровлар географиясини кенгайтириш, янги йўналишларни йўлга қўйиш ҳамда “ATR72-600” русумли ҳаво кемалари паркинни ривожлантириш вазифалари ҳам белгилab берилди.

Бугунги кунда Silk Avia мамлакатимизнинг деярли барча аэропортларини қамраб олди, десак адашмаган бўламиз. Тошкентдан Самарқанд, Қарши, Термиз, Бухоро, Навоий, Урганч, Фарғона, Наманган, Андижон, Зомин, Кўкон, Шахрисабз, шунингдек, Нукус — Мўйноқ йўналишида паровлар амалга ошириб келинмоқда. Яқин кунларда Тошкент — Сариев — Тошкент йўналишида ҳам авиакатновлар ташкил этилади.

\*\*\*

Миллий авиакомпаниянинг Паровларни бошқариш маркази тўлиқ такомиллаштирилгани фуқаро авиациямизга бўлган ишончнинг янада ошириди. Марказ ҳозир илғор мамлакатлар авиакомпанияларида фойдаланиладиган энг сўнгги техник жиҳозлар билан таъминланган. Жумладан, катта экранда қайси самолёт қайси манзилдан қайси шаҳарга, қандай бандлиқда учаяётгани, йўловчилар ва бошқа энг керакли маълумотлар онлайн шаклда, ўзига хос йўналишли харита билан мониторинг орқали намойиш этиб турилади. Бу эса паров хавфсизлигини таъминлаш даражасини янада оширади.

Шубҳасизки, ушбу соҳадаги ислохотлар мамлакатимиз иқтисодий юксалиши, авиакомпания фаолияти самарадорлигини ошириш, унинг рақобатбардошлигини, паровлар хавфсизлигини таъминлаш нуктани назаридан ўта муҳим аҳамиятга эга. Демак, тинчлик мақсадларида хизмат қилаётган фуқаро авиациясини ривожланишининг янги босқичлари кутмоқда.

## Рустам БОЙТЎРА, “Янги Ўзбекистон” муҳбири

пайтлар авиация, учувчилик борасидаги тушунчаларимиз анчайин содда ва тор бўлса ҳам. Соҳанинг вазифасини эса одамларни бир манзилдан бошқасига тез етказиш деб билганмиз, холос.

Фуқаро авиациясида ҳар бир ходимнинг ўз ўрни ва вазифаси муҳим ўрин тутди. Шундан бўлса-да, улар фаолиятини учувчилариз тасаввур этиш қийин, албатта. Лекин биргина оруз-хавас билан бу касбага эришиб бўлмайди.

— Учувчиликни танлашмига сабаб, аввало, ота касб, — дейди ҳаво кемасининг малакали командири Аҳмадjon Ғуломов. — Ёшлитимдан шу касбага қизиқишим бўлган. Тегишли олий ўқув юртини битириб келгач, 2015 йилдан иш бошлаганман. Тўғри, дастлаб кичик самолётларни бошқарганимиз, икки йилдан сўнг “Airbus-320” самолётини бошқаришга ўтдим. Ҳозир эса “Airbus-321” ҳаво кемаси сардори бўлиб ишлайман. Бизнинг касбимизда биринчи галдаги вазифа йўловчиларнинг хавфсизлигини таъминлашдан иборат. Биринчи паровимизда ҳамма жараён... Ўрганмаган одам учун бу тушунарсиз ҳолат... Кўп паровлар тегишли руҳий кўникам ва таъриба билан пайдо бўлади. Очиги, менга автомобилдан кўра, самолёт бошқариш осонроқ, десам тўғри тушунинг. Бу кўп жиҳатдан ерда, паров давомидаги ўзига хос тайёргарликка боглик, Шу сабабли биринчи марта паров қилинадиган йўналиш бўлса, бунга алоҳида ва жиддий тайёргарлик қўрилади. Бир ойда ўртача 10-15 та паров бўлади ва манзиллар оралиғидаги масофасига кўра, бу рақам кўпроқ ёки камроқ бўлиши ҳам мумкин. Баъзи пайтларда 5-6 қулаб бошқа мамлакатда туриб қоламиз ва ой давомидаги паровлар сонни камайиши мумкин. Учувчиликка қизиққан ёшларга эса ҳар томонлама — руҳий ва жисмоний тайёргарлик, талаб даражасида билим олишларига қаттиқ ҳаракат қилишни маслаҳат берган бўлардим. Ёнг муҳими, эл-юртимизнинг бизга бўлган юксак ишончини қозониш.

## “Менга автомобилдан кўра, самолётни бошқариш осонроқ...”

Болалигимизда “Менинг орзум” ёки “Қим бўлсам экан” мавзуларида ишю ёздиришганда ўша давр ўқувчилари негадир учувчи бўлишга қизиқишини баён қиладди. Бу балки учувчиликнинг ёш авлодда осмон қадар баянд туйғу, ҳавас ва ёрқин таассурот уйғотганидир. Гарчи у

муқобил, ноанъанавий ечимлари тобора оммалашмоқда. Чунки улар самарали бўлиш баробарида даромад келтириши билан ҳам алоҳида ажралиб туради. Мисол учун, Германиянинг Брандербург шаҳри ҳудудида жойлашган инновацион

чорвачилик фермасида минг бошдан зиёд насли қорамол парвариланади. Ана шу чорва моллари энергия манбаи ҳисобланади. Яъни фермада барпо этилган мажмуада қорамоллар гўнгидан биогаз ажратиб олиниб, ундан электр энергияси ишлаб чиқарилади. Ўз навбатида, электр энергияси биржа орқали аҳолига сотилади. Бу орқали фермер хўжалиги жойлашган ҳудуд атрофидаги 10 мингта хонадон электр энергияси билан таъминланади. Электр ишлаб чиқариш жараёнида ҳосил бўлган иссиқлик энергияси 5 мингдан ортиқ хонадоннинг иситиш тизимига йўналтирилади. Биогаз ишлаб чиқаришда фойдаланилган чиқиндилар эса хўжалик далаларида органик ўғит сифатида ишлатилади.

Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, бизда ҳам биогаз технологиясидан фойдаланиш иқтисодий самарадорлиқни ошириб, экологик муаммоларни камайитиришга ёрдам бериши мумкин. Кишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат ишлаб чиқаришда ҳосил бўладиган чиқиндилар, шунингдек, саноат ва шаҳар оқова сувларини биогазга айлантириш атроф-муҳит учун фойдалидир. Биогаз ишлаб чиқариш ушбу чиқинди оқимларини активларга айлантириб,

маҳаллий ва миллий даражада қайта тикланадиган барқарор энергия манбаини яратди.

Айтайлик, 100 хонадонли кишлоқдаги ҳар бир хонадон ойига ўртача 360 минг сўмлик электр токи истеъмол қилади. Бу 36 миллион сўм фақат электр энергияси учун сарфланади, дегани. Биогаз технологияси орқали олинган ток эса 3 баробар арзон. Бу электрни арзон сотиш мумкин дегани ҳам.

Бундан ташқари, биогаз электр станцияларидан чиққан қолдиқлар — органик ўғитни тўғридан тўғри экин майдонларида ишлатиш мумкин. Қайта ишланган ва турли бактериялардан ҳоли ўғитлар экинлар учун қони фойда. Қисқаси, биогаздан электр энергияси олиш кўп томонлама фойдали. Яъни иқтисодий самарадорлиқда, экологик муаммоларни кескин пасайитиришда, табиий ресурсларни кўпроқ сақлашга эришишда қўл келади. Ушбу усул мана шундай ижобий томонлари билан афзал.

## Мўътабархон АҚМАЛХЎЖАЕВА, Тошкент давлат иқтисодиёт университети талабаси



# ВАТАН ВА ТИНЧЛИК ЙЎЛИДАГИ ЖАСОРАТ УНУТИЛМАЙДИ



Акмал САИДОВ,  
Олий Мажлис Қонунчилик  
палатаси депутаты,  
Инсон ҳуқуқлари бўйича  
Ўзбекистон Республикаси  
Миллий маркази директори

Бу тadbирлар моҳиятида Ўзбекистон халқининг тарихий қаҳрамонлиги, фидокорона меҳнатини улуғлаш, ёш авлодни она ватанга садоқатли, бугунги тинч, оқсоғишга ҳаётини асраб-авайлашга қодир инсонлар этиб тарбиялаш мақсади мужассам.

Ўзбекистон Президентининг бу борадаги икки фармони ва қарориди эътироф этилганидек, халқимизнинг ватан ҳимояси йўлидаги юксак мардлиги ва қаҳрамонлиги барча авлодлар учун намуна ва ибрат мактаби вазиасини бажариб келмоқда.

Хусусан, Иккинчи жаҳон урушига ўзбекистонликларнинг 2 миллионга яқини сафарбар этилиб, шундан 538 мингдан орттиги жанг майдонларида қаҳрамонларча ҳалок бўлган, 158 мингдан орттиги бедарак йўқолган. Мустақиллик йилларида 200 га яқин ҳарбий хизматчи ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари мамлакатимизнинг тинчлиги ва оқсоғишталиги йўлида жонини фидо қилган.

Юртимизда айнан Ғалаба боғи тимсолида, жумладан, урушда асир тушган, қониларларда вафот этган ёки бедарак кетган ватандошларимиз хотирасини ёд этишга ҳам жиддий эътибор қаратилганини таъкидлаш лозим. Бу ерда Нидерландиянинг “Амерсфорт” қониларидеда фашистлар томонидан отиб ташланган 101 ўзбек аскарининг фожалии тақдирлари билан боғлиқ шу пайтгача ошкор этилмаган архив ҳужжатлари сақланаётгани фикримиз тасдиғидир.

Гап шундаки, нидерландиялик таниқли тадқиқотчи ва ёзувчи Ремко Рейдинг фаолияти давомида уруш йиллари ўз ватани ҳудудида жойлашган “Амерсфорт” қониларидеда асир бўлган совет ҳарбийлари қабристонидеда 865 номаълум аскар қўмилагани, уларнинг 101 нафари ўзбек бўлганини аниқлаган. Дастлабки олти ойда 24 асир очилк, касаллик ва шифқатсиз муносабат туфайли эрта вафот этган бўлиб, қолган 77 киши эса 1942 йил 9 апрелда отиб ташланган.

Ўша қонилардеда асирликда бўлган нидерландиялик бир маҳбус 9 та портрет қилган. Шундан фақат иккитасида **Ҳотам Қодиров** ва **Зойир Муродов** исмлари ёзилган экан. Зеро, 101 ўзбек аскар фашистлар қониларидедаги мислсиз азоб-укубатга қарамай, инсоний ор-номуси ва миллий ғурурини сақлаб қолган. Муаллифлар А.Иргашев ва Ю.Медведовсканинг ушбу мавзуга бағишланган **“Бир юз бир” номли романи** Ғалаба боғидаги музей экспозицияси ва ку-тухонадан жой олган.

Бу тарихий ҳужжатлар билан танишиб, “Амерсфорт”да асир тушган 101 ўзбекнинг чеккан уқубатларидеда юрагининг қақшатиқ жангларда мардларча курашган ва асирга олиниб, фашистларнинг Нидерландиядаги “Амерсфорт” қониларигега ташланган 101 ўзбек аскарининг аччиқ қисмати ҳақида биринчилардан бўлиб бонг урган фидоий ижодкор.

Нидерландия заминидеда хоки ётган 101 ўзбек жангчиси 1941 йилда фашистлар томонидан асир олинган ва 1942 йил 9 апрелда қатл этилган. Айнан Ремко Рейдинг ташаббуси ва сай-ҳаракатлари билан “Совет жангчилари шон-шухрати майдони” жамғармаси ҳар йили шу қайгули санада

Шу кунларда кенг жамоатчилик вакиллари иштирокида юртимизнинг барча ҳудудида Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалабанинг 80 йиллиги ҳамда 9 май — Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан “Ватан равнақи, тинчлиги ва ҳимояси йўлидаги қаҳрамонлик унутилмайди” шиори остида ҳарбий-ватанпарварлик ва мадания-маърифий тadbирлар ўтказилмоқда.

собиқ “Амерсфорт” қониларегининг юртдошларимиз отиб ташланган майдонидеда хотира тadbири ўтказиб келадди.

Рейдинг Иккинчи жаҳон урушининг ўзбекистонлик 101 қаҳрамони ва қурбони тақдирини чуқур ўрганиб, шу қайгули ва ибратли воқеа тафсилотлари ҳақида **“Шон-шухрат майдони болалари”** номли китоб ёзган. Бу борадаги изланишларини 20 йилдан буён садоқат ва матонат билан изчил давом эттирмоқда.

Камина 2022 йил январидеда Брюсселда таниқли журналист ва адиб Ремко Рейдинг билан бир неча бор учрашганам. Қизгин мулоқотларимиз чоғидеда қаттол урушининг ўзбекистонлик 101 қаҳрамони ва қурбони тақдирини чуқур ўргангани ҳамда ана шу қайгули ва ибратли воқеа тафсилотлари ҳақида алоҳида китоб ёзгани учун унга миннатдорлик изхор этиш имкониге эга бўлганимдан фахрланаман.

Ўша мулоқотларнинг биридеда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан 2020 йили

ва океанларда кечган. Баъзи маълумотларга кўра, бу урушда жами 85 миллионгача инсон ҳалок бўлган. Ер юзи бехисоб вайронагарчилик ва қаҳатчиликка юз тутган.

БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича олий комиссари (ҳозир собиқ) Зайд Раад ал-Хусайн Ўзбекистонга расмий ташири доирасидеда 2017 йил 12 май кунини Ер юзи сайқали саналимиш Самарқанд шаҳрини зиёрат қилганида унга ҳамроҳ бўлгандим. Ушбу нуфузли меҳмон ўшандеда Иккинчи жаҳон уруши даврида фашистлар истило қилган Голландия (Нидерландия)га махсус поездда олиб келинган 101 ўзбек аскарининг асирликдаги аччиқ қисмати ҳақидаги журналист тадқиқотларини ўқиби, халқимизнинг меҳрибонлиги ва улугворлигиге ихло-си чандон ортганини сўзлаб берганди.

Бу ўринда фашистларнинг тарғибот бўйича рейхс-министри Йозеф Геббельснинг машъум режасига кўра, жангтоҳларда асир олинган ва Европадаги ўлим лагерларидан бири бўлимиш “Амерсфорт”га қамалган ўзбек ўғлонлари тарихи ҳақида сўз бор-



Тошкент шаҳрида очилган “Ғалаба боғи” ёдгорлик мажмуаси таркибидеда 101 ўзбек жангчиси хотирасига бағишлаб “Қониларгер” ёдгорлиги бунёд этилгани ҳақида гаплашдик. Шунингдек, “Шон-шараф” давлат музейидеда, Р.Рейдинг тўплаган тарихий далил ва ҳужжатлардан фойдаланган ҳолда айни мавзунини ёритишга қаратилган махсус павильон ишлаб турганига оид хабарни у мамнуният билан қабул қилди.

Нидерландиялик маданият арбоби Б.Чарлак 2021 йилда “Ўзбекистон — Буюк ипак йўлининг гавҳари” номли китобини нашр эттирди. Ушбу китобда 101 ўзбек аскарининг аччиқ қисмати ҳақида Р.Рейдинг тақдим этган тарихий маълумотлар қайд этилган.

Эътибор беринг: БМТ Бош Ассамблеяси 2025 йилин Халқаро тинчлик ва ишонч йили деб эълон қилгани замирида муайян ҳаётий воқеалар ва таҳдидли далиллар ётибди. Стокгольм тинчлик муаммоларини ўрганиш институти (SIRP) ҳисоботида қайд этилишича, 2024 йилда глобал ҳарбий харажатлар 2,7 триллион долларга етиб, ўтган йилга нисбатан 9,4 фоиз осган. Бу “совуқ уруш” даври тугатилган бери кузатилган энг кескин ўсшидир. Афсуски, мудофаа харажатларининг ошиш тенденцияси кетма-кет ўн йилдан бери давом этмоқда.

Президентимиз Парламентларо Иттифоқининг яқинда мамлакатимизда ўтказилган 150-Ассамблеясидаги нутқидеда ташвиш билан уқтирганидек, **“Сўнгги йилларда дунёнинг турли минтақаларида қуролли тўқнашувлар, экологик ва техноген фожалар, иқтисодий инқирозлар, “савдо урушлари”, терроризм ва экстремизм таҳдидлари тобора кучайиб бормоқда. Бундай ўта мураккаб шароитда жаҳонда тинчликни сақлаш, ижтимоий тараққиёт ва адолатли таъминлашда парламентлар иштироки ва тасирини оширишни замоннинг ўзи талаб этмоқда”**.

Бинобарин, Иккинчи жаҳон уруши инсоният тарихидаги энг муҳдиш, энг бе-шафқат тўқнашув бўлганини унуттишга ҳаққимиз йўқ. Ушанде жангу жадаллар Европа, Осиё ва Африка қитъаларида, ҳаво

моқда. Ушбу ҳарбий асирлар Москвага бошландиган ҳужум олдидан фашист армиясининг руҳини кўтаришга қаратилган “тарғибот фильми”да “жонли ва тасирчан роль” ўйнаб беришлари керак бўлган. Аммо ушбу қабиҳ режа амалга ошмаган.

Гап шундаки, лагернинг атрофи ўрланган, серёғи осмон остидаги кўрасидеда юртдошларимизга неча кунлаб овқат берилмай, ғайринисоний шароитда сақланган. Улар кундузи тоғда тош майдалда ва ташвишга мажбурланиб, кечаси ухлашга имкон берилмай, шифқатсиз калтакланган, тинимсиз хўрланган. Бир кунини лагерга Геббельснинг генераллари бошчилигидаги фашист амалдорлари, шунингдек, кинооператорлар ва режиссёрлардан иборат катта ижодий гуруҳ келадди.

Шу муносабат билан озода ва саришта либослардаги, кўркам кўринишли фашист офицерлари эзилган ва азобдан букчайиб қолган, жулдур кийимлардаги асирлар қаршисида саф тортади. Чироқлар ёнади, кино камералари ишга тушади. Машинада янги ёпилаган, ёқимли ҳиди уфуриб турган иссиқ нонлар олиб келинади. Немис офицери ўзига новвой узатган булкани олиб, девордан ичкарига — ўзбек асирлари томон улоқтиради.

Фашистлар фикрича, “инсон қаторидеда қўрилмайдиған”, лагердаги “шароитлар” туфайли одамийлик қиёфасини ҳам йўқотаёзган оч-наҳор ва хастаҳол асирлар ўзаро нон талашиб, кинобоп томоша кўрсатиши керак эди. Бу, ўз навбатида, Гитлернинг немислар — олий ирқ, бошқа миллатларда эса инсонийликка хос зигирча ҳам хислат йўқ, деган манфур гоясини тасдиқлаб берарди. Бирок бундай бўлмайди.

Атрофга жимжитлик чўкади. Бир муддатдан кейин асирлардан бири ерда ётган нонни қўлига олиб, уч марта ўпади ва кўзига суртади. Сўнг нонни кенг даврада чордона қуриб ўтирган ўзбек асирларнинг ёши улугига — муаллимга олиб боради. Муаллим нонни бўлаклаб, дастлабки ушогини энг кичик ёшли маҳбусга узатади.

Шу тариқа нон бўлаклари ҳаммага тенг тақсимланади. Муаллим охириг булакни ўзига олади. Ўзбек биродарларимиз шошмай, ҳовлиқмай, одоб сақлаб, бирин-кетин

навбат билан ейди. Охирида Худонинг неъматини учун шукрона фотиҳаси ўқилган, улар тарқалади.

Бундай қутилмаган сценарий фашистлар тахмин қилгандек яқун топмайди. Оқибатда юртдошларимиз жуда қаттиқ жазоланади. Ўзбек асирларнинг ҳаммасини ўрмонга олиб бориб, отиб ташлашади.

Кейинчалик бу ибратли тарихий воқеадан хабар топган голландиялик журналист, ёзувчи ва тадқиқотчи Ремко Рейдинг узоқ изланишлари натижасидеда айни мавзуда йирик китоб ёзган. Муаллифлар Анвар Иргашев ва Юлия Медведовскаянинг “Бир юз бир” номли романи ҳам шу мавзуга бағишланган. Бу ҳақда яна китоблар чоп этилмоқда, оммавий ахборот воситаларида атрофчи маълумотлар эълон қилинмоқда.

Ўз навбатида, ғалабанинг 75 йиллиги арафасидеда ўзбек киноижодкорлари миллатимизнинг ғўзал сийрати, азалий одобини инсонпарварлик фазилатларини теран очиб берадиган ушбу ҳаётини қисса асосидеда “101” номли бадиий фильмини тасвирга олди. Қаттол урушининг 101 қаҳрамони ва қурбони ҳақидаги бу фильм “Ўзбеккино” миллий агентлиги томонидан мувофиқлаштирилган ҳолда “Uzbekistan Film”, “Onad Film Production”, “DF SERVICE” компаниялари ҳамкорлигида тайёрланган.

Режиссёр Ҳамидулла Ҳасановнинг Иккинчи жаҳон уруши йилларида ўзбекистонлик бир юз бир аскарнинг мардонавор жасорати ва фожалии тақдир ҳақидаги ҳужжатли маълумотларга асосланган “101” фильмининг миллий кинематографиямиз учун яна бир ақамиятли қадам бўлди. **“Бир юз бир ўзбек қаҳрамонининг Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалабага қўшган бебаҳо ҳиссаси, оммавий қаҳрамонлиги бутун дунёдаги инсонлар хотирасидеда абадий сақланиб қолади!”** — дейди сценарий муаллифи Юлия Медведовская.

Шу маънода, инсон қадрини жойига қўйиш йўлидаги улкан хизматлари, хусусан, Нидерландия заминидеда фашизм қурбониге айланган ўзбек жангчилари шахсини аниқлаш йўлида кўрсатган фидоийлиги ва юртдошларимиз хотирасига юксак ҳурмат-эътиром учун Ремко Рейдинг ҳар канча тахсини эътирофимизга муносиб деб биламан.

Ремко Рейдинг ҳозир Нидерландиянинг “Совет жангчилари шон-шухрати майдони” жамғармаси бошқаруви раиси лавозимидеда ишлайди. Мазкур ёдгорлик мажмуаси Амерсфорт шаҳрининг “Растхоф” қабристонига туташ ҳудудда жойлашган, бу ерда 865 совет аскарлари, жумладан, 101 ўзбек жангчиси дафн этилган.

Рейдинг ана шу қурбонларнинг шахсини аниқлаштириш учун изчил изланишлар олиб бормоқда. Хусусан, 2021 йилда ўзбекистонлик жангчиларга таллуқли экани тахмин қилинган бир қанча тарихий ҳужжатни топишга муваффақ бўлган.

Тадқиқотчининг уруш қурбонлари хотирасини тиклаш, шахсини аниқлаш, қариндошларини топиш борасидедаги эзгу фаолияти Нидерландия ва Россия томонидан юқори баҳоланган. Хусусан, у 2014 йилда Нидерландиянинг Оран-Нассау орденини ишари унвони билан тақдирланган. Ёлсден шаҳри (Нидерландия) мэрили 2019 йилда Р.Рейдингни жамят илдидаги хизматлари учун Ани де Бофорспелд кўркак нишонини билан муқофотлаган.

Рейдинг Ўзбекистонга бир неча бор келган ва Иккинчи жаҳон уруши давридаги ўзбек жангчилари жасоратига бағишлаб ташкил этилган тadbирларда қатнашган. Айниқса, “Ғалаба боғи” ёдгорлик мажмуасини бунёд этилганидан кейинги даврда юртимизга ташириб буюриб, оммавий ахборот воситаларида ушбу тарихий мажмуадан олган таассуротларини самимий изхор этгани эътиборлидир.

Унинг Нидерландия тупроғидеда дафн этилган ўзбек жангчилари қабрларини обод қилиш ташаббуси, бир томондан, миллий ва умуминсоний қадриятларга мос бўлса, иккинчи томондан, янги Ўзбекистонда инсон қадрини таъминлаш борасидедаги давлат сиёсатига тўлиқ жавоб беради.

Янада муҳими, бу борадаги маънавий-маърифий ташаббуслар Ўзбекистон халқининг тарихий қаҳрамонлиги, фидокорона меҳнатини улуғлаш, ёш авлодни она ватанга садоқатли, бугунги тинч, оқсоғишга ҳаётини асраб-авайлашга қодир инсонлар этиб тарбиялашга хизмат қилиши билан гоят қадрли. Давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, **“Биз тинчлик ва мустақиллик учун ўз жонини аямаган ота-боболаримиз ва мард ўғлонларимизнинг улкан жасорати, матонати ҳамда фидоийликларини юрагимизда абадий сақлаймиз”**.

2025 йил 8 май, 93-сон



yuz.uz\_news



yuz



Бехзод Ўйлошев  
таваллудининг 80 йиллиги

## САЛОБАТИ УЛУҒВОР АММО ЎЗИ КАМТАРИН ИЛМ ФИДОЙИСИ ЭДИ

Инсоннинг қалби маърифат билан қувватланади, қадри эса илм билан юксалади. Юртимизда маърифатдан қувват олиб, илмдан қадр топган инсонлардан бири академик Бехзод Ўйлошев эди. У ҳаёти давомида олимликнинг бутун машаққатини, шарафини тотиб кўрди ва чинакам камолотга эришди.

Ўзбекистон Фанлар академияси академиги, элементар зарралар ва атом ядро физикаси соҳасидедаги дунё тан олган олим Б.Ўйлошев 1945 йил 9 майда Тошкент шаҳрида, зиёли оилада дунёга келган. 1968 йилда Тошкент давлат университетининг физика факультетини имтиёзли тугатган, 1971 йилда Дубнадаги Бирлашган ядро тадқиқотлари институтида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган. 1981 йилда эса физика-математика соҳасидеда докторликни ёқлаган.

У номзодлик диссертациясини ҳимоя қилганида 25 ёшли навқирон йилгит эди. Шу пайтгача Бирлашган ядро тадқиқотлари институтида ҳеч ким бу ёшда ядро физикаси соҳасидеда номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган эмасди.

Бехзод Ўйлошев Ўзбекистон Фанлар академиясидаги илк илмий фаолиятини Ядро физикаси институтида кичик илмий ходимликдан бошлаган, сўнгра Физика-техника институтида катта илмий ходим, лаборатория мудири, Ядро физикаси институти директори, 2000-2005 ва 2017-2024 йилларда ЎзФА президенти лавозимидеда ишлаган. 2001-2005 ва 2020-2024 йилларда Олий Мажлис Сенати аъзоси — сенатор бўлган.

Давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, биз бутун миллий тикланишдан миллий юксалишга эришишни ўз олдимизга энг муҳим ва устувор вазифа қилиб қўйдик. Шубҳасиз, бу юксалишга эришни йўлидаги муҳим омиллардан бири илм-фан ривожидир. Шу боис, Шавкат Мирзиёев Президентлигининг дастлабки кунларидаёқ илм ахли, академиклар билан учрашди ва 2017 йилда Фанлар академияси президенти лавозимига академик Б.Ўйлошев сайланди.

Ўша кундан республиканинг энг йирик илмий ташкилоти — Фанлар академияси



Бехзод Ўйлошев ташаббуси билан Россиянинг Бирлашган ядро тадқиқотлари институтидаги Ўзбекистон Республикаси аъзолиги қайта тикланган. У 400 дан зиёд илмий иш, жумладан, 5 та монография ва 20 дан орттиқ ихтиро муаллифидир. Унинг илмий раҳбарлигида 10 нафар фан доктори ва 30 нафарга яқин фан номзоди тайёрланган.

Олим Беруний номидеда Ўзбекистон давлат муқофоти ва Халқаро ЭСО муқофоти совриндоридир. “Меҳнат шухрати”, “Фидокорона хизматлари учун” орденлари билан тақдирланган. “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби”, “Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган фан арбоби” унвонларига эга.

Академик ўз устидеда мунтазам ишлар ва атрофидедаги ҳар билимли бўлиши учун барча имкониятларни яратиб беришга ин-

“Бехзод Ўйлошев ФА президентлигига сайланган дастлабки пайтлар эди. Бир кунни хонамга кириб келиб, “Салом, мен Бехзод” деб қўл узатди. Мени таажжублантиргани, салобатининг ўзиёқ одамни ҳайиқтирадиган шундай олим, раҳбар оддий ходимга ўзини камтарона таништирса?! Шу кундан бошлаб унга ҳурматим янада ошди.

учун янги давр бошланди. Ташкилотнинг янги президенти эса ушбу ислохотлар бошида турганлардан бири бўлди.

Бехзод Ўйлошев раҳбарлик фаолиятини бошлаганда академия ҳар ёқасига келиб қолганди. Тизимда атиги 18 та илмий ташкилот мавжуд бўлиб, қолганлари турли важлар билан ёпилаган ёки қайсидир ташкилот ва вазирликлар ихтиёрига ўтказиб юборилганди.

Кўп ўтмай ислохотлар натижаси бирин-кетин буй кўрсата бошлади. Олдинги илмий ташкилотлар академия таркибидеда қайтарилди, янгилари ташкил этилди. Юқори малакали илмий кадрлар тайёрлаш, хорижий илмий марказлар билан ҳамкорлигини ривожлантириш, йирик дастурларни амалга ошириш, илмий натижаларини иқтисодиёт тармоқларига йўналтириш асосий мақсадга айланди.

Илмий фаолияти элементар зарралар физикаси, ядро физикаси, саноат, қиллоқ ҳўжалиги ва тиббиёт соҳаларида ядро технологияларидан фойдаланиш каби масалаларни қамраб олган Бехзод Ўйлошев дунё тан олган физик олим эди. У Америка физикалари жамяти аъзоси, Индиана, Вашингтон (АҚШ) ва Кембриж (Буюк Британия) университетлари физик доктори, Ислон дунёси академияси — ИАС академиги, Бирлашган ядро тадқиқотлари институти (Россия) физик доктори, Халқаро фанлар академиялари уюшмаси — МААН академиги, Козогистон Миллий фанлар академияси хорижий аъзоси, Россия Таълим ва фан вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси аъзоси, 2022 йилда нанотехнологиялар ва ахборот технологиялари йўналишида Россия Фанлар академиясининг хорижий аъзоси этиб сайланганди.

У Австриянинг Вена шаҳрида жойлашган Халқаро атом энергияси агентлигининг фан бўйича маслаҳатчиси ҳамда Бирлашган ядро тадқиқотлари институти бош илмий ходими лавозимларида фаолият юритган ва шу соҳада илмий мактаб яратган олган олим эди. Академик ядровий хавфсизлигини мустаҳкамлаш ва ядро қуролларини тарқатмаслик бўйича амалий ечимлар ишлаб чиқиш юзасидан йирик лойиҳаларга раҳбарлик қилган.

Моҳира ЖУМАНОВА,  
ЎзФА матбуот котиби



Таҳлил ва таққин

6

2025 йил 8 май, 93-сон

МАЪНАВИЯТ

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН



# ТОПГАНИМИЗ ТАЪЛИМГА БУЮРСИН

Турли маросим ва тўйларни ихчам ўтказиш халқимизнинг бир асрлик орзусига айланган. Жаҳидларимиз кураша бошлаган исрофгарчиликдан хали-ҳамон қутулиб кета олмадик. Даврнинг ўзи бу масалани ҳуқуқий асосга таяниб ҳал этиш фурсати етганини кўрсатапти.

Бугун мамлакатимизда тўйлар ва оилавий бошқа маросимларни ўтказишни ҳуқуқий асосда тартибга солиш масаласи жамоатчилик муҳокамаси марказида турибди. Ушбу ҳужжатни қабул қилишдан кўзланган мақсад исрофгарчиликка қарши курашиш, ёш авлодни тежамкорлик ва оқилона сарф-харажатга ўргатишдир. У аҳолининг реал кайфияти ва ижтимоий эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқилмоқда.

Бундай ҳужжатларни қабул қилиш реал вазиятни пухта ўрганиш, аҳоли фикрини билишни талаб қилади. Маънавият ва маърифат маркази томонидан 2023-2024 йилларда илмий-амалий изланиш ўтказилган эди. “Жамият ижтимоий-маънавий муҳитини баҳолаш ва соғломлаштириш” мавзусидаги кенг қамровли сўровнома натижаси ушбу ҳужжатни тезроқ қабул қилиш кераклигини кўрсатади. Фикримиз асосли бўлиши учун сўзимизни тадқиқот бўйича мавзуга тегишли натижалар таҳлили билан давом эттирсак.

ва сохта ижтимоий босимлар оила барқарорлигига салбий таъсир кўрсатаётганини аниқлатади.

Албатта, жамиятни қийнаётган бундай масалалар ечими ҳам одамларнинг ўзида бўлади. Шу боис, тадқиқот доирасида ушбу муаммоларнинг ечими борасидаги фикрлар ҳам ўрганилди.

Сўровда қатнашган фуқаролар, тўймаъракалардаги ортиқча дабдаба, исрофгарчилик ва фақат кўзкўлаш учун ўтказиладиган, серхараж, тўқима маросимларни ўтказишга қарши курашиш керак деган фикрларни айтган. Шунингдек, жамиятда сунъий ижтимоий рақобат орқали келиб чиқаётган иқтисодий-маънавий таназзулларга қарши қатъий чоралар кўришни тақлиф қилган.

Аҳолининг катта қисми давлатдан тўй ва бошқа маросимларни адолатли ҳамда аниқ мезонлар асосида тартибга солуви меъёрий ҳужжат қабул қилишни сўраган. Шунинг ўзиёқ жамиятда ушбу масалага нисбатан жиддий ижтимоий буюртма



Инсон қачондир бошидан ўтказган ҳар қандай оғир ва оғриқли кунлар уни нималаргадир ўргатади. Масалан, ушбу ҳолат тақдорланмаслиги чораларини кўришга кўникма ҳосил қилади. Ҳар кимнинг ўз ўтмиши бор. Ўша ўтмиши нури бўлса, уни ривожлантиради ёки зулматли ўтмиши таъкиб қилмаслиги учун ундан қочади. Бунинг номини хулоса дейдилар. Ҳамма гап ўша хулосани тўғри чиқаришда.

Биринчи ҳолат. Онам билан шифокор кўригидан қайтаётган эдик. Муолажани бошлаш учун дори олмоқчи бўлиб, уйимиз яқинидаги яхши дорихонани мўлжал қилиб кетяпмиз. Чорраҳанинг қизил чирогиди тўхтадим. Менинг олдимда тўхтаган юк автомобили билан чап томондаги енгил машина ҳайдовчиси қўлларини пахса қилиб бир-бирига нималардир дерди. Фурсат ўтмай ҳар икковни машинадан тушиб, кўчада мушгаша бошлади. Атрофдагилар нима бўлаётганини аниқлашга, келиб уларни ажратишга, муросага келтиришга улгурмасдан, жисмоний имкониятлари нисбатан юқори бўлган юк



Маънавият кўп нарасага, кўп нараса эса маънавиятга боглиқ. Ҳаётнинг ўзи маънавият. У адолат, меҳр, тарбия, одоб, илм, эътибор, қунт, интилиш ва ҳоказолар билан бутунлик касб этади. Чиройли, тоза-озода ва ўзига ярашган кийим кийиш, давраларда ўзини босиқ, хотиржам тутиш, меҳмоннавозлик, уй-жойни саришга сақлаш, каттага ҳурмат, кичикка иззат — буларнинг бари маънавият!

автомобили ҳайдовчиси рақибини аёвсиз, шафқатсизлик билан калтаклашга тушди. Бу каби хунук манзарани кўриб кўникмаган онамнинг “Ҳозир бир-бирини ўлдириб қўяди-ку”, дея мазаси қочди. Шаҳд билан машинадан тушиб, онамнинг “ҳай-ҳай”лашига қарамай, улар томон югурдим. Унчага 5-6 йўловчию бошқа ҳайдовчилар вазиятни юмшатиш ҳаракатини бошлаб юборган эди. Яқинлашганда енгил машинанинг 25 ёшлар атрофидаги эгаси калтак ва зарбалардан ерда юз-кўзи қон бўлиб ётарди. Унга қараганда 2-3 ёш каттароқ бўлган муштумзўр бировнинг гапига қулоқ солмас, атрофдагиларнинг ушлаб олганига қарамай, рақиб томон хезланишда давом этарди.

Бу орада чорраҳада ҳаракат тўхтаб, тирбандлик бошланган, томошатаблалар анча кўпайиб қолганди. Маълум бўлишича, чорраҳага яқинлашганда бири иккинчисига халлақот берган, унис ёмон сўз билан сўкинган, буниси жавоб қайтарган, оғзаки жанг авж олиб, муштлашувга айланган.

Кўп ўтмай йўл-патрул хизмати ходимлари етиб келиб, бири тирбандликни бартараф этиш, яна бири ҳайдовчилар билан суриштирув ишига киришиб кетди. “Тез ёрдам” ҳам пайдо бўлиб, жабрланувчига малҳам босди.

— Ёшларга нима бўлган-а, инсон инсонни таҳқирлаши шу қадар осон бўлди-ми? — деди онам ҳаракатни давом эттирганимизда. — Юрагим ўйнаб кетди-я. Ахир айб иш қилгани бир оғиз уэр айтиб, билмай қолдим, мендан ўтди, деса-ку, олам — гулистон. Сен ҳам йўлда юрасан, жуда эҳтиёт бўлгин, жаҳлга эрк берма, оғир-вазмин одам ютқазмайди, ҳеч бўлмаса, битта гапдан қол, ўчакишиш яхшилик олиб келмайди, болам! Жим турган

ҳар қандай киши жавоб қайтаришдан ожиз, жим туриш ожизлик, дегани эмас. Шундай кишилар бор, қалби оғриётгани, агар гапирса, бу оғриқ янада кучайиб кетиши тўғрйли жим туради. Шундайлар бўладик, гапирган гапи фойда бермаслигини билгани учун ҳам сукут сақлайди. Улар бошқаларга зарар бериб қўймаслик учун газабини босиб сукут сақлайди. Баъзилар ожизлик санайдиган сукут аслида катта куч махсулидир!

— Ҳўп, ойижон! Кўнгилга яқин олманг, кўчада шунақа аҳмоқлар бир-бирда учраб туради.

Дорихонадан муолажа учун ёзилганига қўшимча юрак дори ҳам сотиб олишимга тўғри келди.

Иккинчи ҳолат. Авалги иш жойим манзили “Халқлар дўстлиги” метросига яқин жойда эди. Тахририятимиз жойлашган салобатли бинонинг қаватлари қўлаб турли идораларга ижарага берилган бўлиб, ким қайси ташкилотда ишлашини аниқ билмасак-да, эшикдан кириб-чиқиб юрадиган ходимларнинг юз-кўзлари иссиқ бўлиб қолганди.

Ёз фасли эди. Бир куни эрталаб одатдагидек метродан чиқиб ишхонага бораётсам, мендан 10-15 қадам олдинда 7-қаватда ишлайдиган Игорь ака кетяпти. Кўриниши зиёли, юзи чўзинчоқ, бир тутам сочини доим силлиқ тараб юрадиган 55 ёшлар атрофидаги бу одам билан шахсан салом-алигимиз бўлмаса-да, исмини эшитгандим. Янглишмасам, иқтисодиёт соҳаси билан боглиқ ташкилотда мутахассис эди.

Хуллас, Игорь ака доим кўтариб юрадиган сумкасида ярим литрли елим идиш чиқариб, ичидаги сувни йўл чеккасида катта тувакка экиб қўйилган

манзарали гулларга қўйди. Сув эски бўлса, идишини бўшатди шекилли деб ўйладим. Кейин бошқа идиш олиб, сал наридаги иккинчи тувакдаги гулларга ҳам сув тўқди. Ҳайрон бўлдим. Кунлар ўтиб, аини ҳолатга яна 2-3 бор гувоҳ бўлдим.

Бир куни метродан чиқишда салом бериб, ўзимни таништирдим. Битта бинода, аммо турли ташкилотларда ишлашимизни, бир-биримиз билан деярли гаплашмаганимизни, бу камчиликка барҳам бериш кераклигини айтиб, қулдирган бўлдим. Бир оз юрганимиздан кейин мен куттан ва менга керак ҳолат юз берди. Игорь ака сумкасини очиб, сув олди.

— Тўғриси, аввал ҳам шу ишингизни икки-уч бор кўрдим. Нега бундай қиласиз? Идишда қандай сув, нега уни тўкиб юборасиз?

Гулларга обиҳаёт берар экан, Игорь ака бундай деди:

— Ерга, дарахтлар орасига экилган гуллар керак пайтда сўғориш тизими орқали сув ичади. Қарасам, мана бу тувакдаги гуллар доим қақраб ётади. Ора-чора сув ичириб тураман. Табиат тирик жон, унга ҳам ғамхўрлик керак.

— Шунинг учун ҳар куни уйдан сув олиб келасизми?

— Ҳа, менга бунинг оғирлиги йўқ. Идишларни уйим олтидан оқиб ўтадиган ариқдан тўлдириб олам.

— Сизнинг бу ишингиз ҳақида мақола ёзсак бўлар экан.

Ҳозирча бу гапимнинг улдасидан чиқа олмаган бўлсам-да, қачонки ўша томонларга йўлим тушиб қолса, Игорь ака ҳаёт бериб келаятган катта тувакдаги гуллар ёнидан юраман. Гуркираб, яшнаб ўсаётган гуллар бу йўлдан ҳамон Игорь ака ўтиб-қайтаётганидан дарак бериб туради.

\*\*\*

Юқоридидаги икки воқеани бежиз тилга олмадик. Назаримизда, уларнинг асосида инсон маънавияти етибди. Ҳар қандай вазиятда, ҳолатда инсон маънавияти билан инсондир. Гоҳида шунини унутиб қўяётганимиз эса ачинарли, албатта. Бугун, давлатимиз раҳбари таъбири айтганда, маънавият ҳаётимизда янги куч, янги ҳаракатга айланиши лозим. Азалдан дунё

тан олган маънавияти юксак халқ, миллат сифатида ўзигимиз, илдишларимиздан бохабарлик керак бугун бизга. Буни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

Маънавият кўп нарасага, кўп нараса эса маънавиятга боглиқ. Ҳаётнинг ўзи маънавият. У адолат, меҳр, тарбия, одоб, илм, эътибор, қунт, интилиш ва ҳоказолар билан бутунлик касб этади. Чиройли, тоза-озода ва ўзига ярашган кийим кийиш, давраларда ўзини босиқ, хотиржам тутиш, меҳмоннавозлик, уй-жойни саришга сақлаш, каттага ҳурмат, кичикка иззат — буларнинг бари маънавият!

Хушмуомалалик, бозор-ўчар қилиш, ёши катталарга ёки кўпчиликка салом бериш, овқатланиш, жамоат транспортида кексаларга жой бўшатиш, ўзи яшаб турган маҳалла, кўчани обод қилишга ҳисса қўиш, бошқаларга нафим тегсин дея кўчат экиш ҳам маънавият.

Бугун ҳаётимизнинг ажралмас бўлагига айланишга улгурган ва бизни доим ўзига ром қилиб келаятган интернетдан тўғри фойдаланиш, ижтимоий тармоқларда ҳар хил воқеликларга бошқаларга ҳурмат сақлаган ҳолда фикр билдириш, ўзгалар фикрини ҳурмат қилиш, бўлмағур янгликларни тарқатмаслик, аҳолини бундай нарсаларга ишонмасликка тарғиб қилиш ҳам маънавиятти инсонга хос хислат.

Китоб ўқиш, яқинлар ва фарзандларда мутолага меҳр уйғотиш, таниш-билишлар ўртасида китобхонлиқни тарғиб қилиш, яхши китоб ўқиганда уни бошқалар билан бўлишиш ва шу орқали асарни ўқишга ундаш ҳам маънавиятга дахлдор.

Ҳатто қанақа қўшиқ тинглаш, ТВ орқали қайси канални кўриш ҳам инсон маънавиятининг белгиси. Бундай мисолларни қўлаб келтириш мумкин. Демак, туриш-турмушимизнинг ўзи маънавият. Маънавиятсиз киши боши берк кўчага кириб қолган одам. Ундан чиқишнинг чораси битта — орта қайтиш. Яъни миллатимизнинг азалий қадриятларига юз буришдир.

Нодир МАҲМУДОВ,  
“Янги Ўзбекистон” муҳбири



УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ  
ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!



Ушбу тадқиқотда мамлакат аҳолисининг 1 фоизи, яъни 347 мингдан ортиқ фуқаро қамраб олинди. Илмий жиҳатдан бу миқдор социал ўрганув ўтказиш ва баҳолашга етарлидир. Мазкур тадқиқотда аҳолининг тўй ва бошқа маросимлар борасидаги кайфияти, интилиши ва ижтимоий фаоллик даражаси ижобий кўрсаткичга эга экани кўринди. Масалан, сўровномада “Оилавий тадбирни, тўй ёки бошқа маъракаи ҳамма каби эмас, балки бошқача, яъни фақат яқинлар билан ўтказишга қарор қилган оиллага қандай муносабатда бўлар эдингиз?” деган савол бор эди. Умумий хулосага кўра, 68 фоиз иштирокчи бундай ҳаракатни қўллаб-қувватлашини билдирган. Бу рақам жамиятимизда бошқалар гапига қулоқ тутмай, ўзи учун қулай шароит яратиш, оммага эргашмай, мустақил қарор қабул қилишга интилиш кучли эканини кўрсатади. Бу ижтимоий аъналарни нисбатан танқидий ёндашув шаклланиб бораётганидан далолат.

“Сизнингча, оилавий ажралишларнинг кўпайишига нималар сабабчи бўляпти?” деган сўров тадқиқотнинг яна бир муҳим саволи эди. Бунга респондентларнинг аксар қисми сабр-қаноат йўқлигини биринчи сабаб сифатида кўрсатди. Иккинчи ўринда эса айнан “Урф-одат ва маросимларнинг серхаражатлиги туради”, деган жавоб бўлди. Бу ортиқча

шақланганини кўрсатади. Тадқиқотда яна бир ижобий тенденция кузатилди — жамиятимиз болалар таълимига ҳам жиддий эътибор бера бошлаган.

Иштирокчиларга “Маблагингиз ҳаёт даражасини таъминлаш учун етарли бўлса, ортиқчасини нимага сарфлар эдингиз?” деган савол берилди. Уларнинг 32 фоизи маблагни фарзанд таълими ва тарбиясига сарфлашни афзал кўришини айтган. Демак, жамиятимизда топганимиз тўйга эмас, таълимга буюрсин, дейдиган инсонлар кўпайиб бормоқда.

Тўй ва бошқа маросимларни тартибга солишга оид янги ҳужжат қабул қилиниши фақат ҳуқуқий чора эмас, балки жамиятнинг ички талабидан келиб чиққан муҳим ислохотдир. Кейинги йилларда юртимизда китобхонликка кенг эътибор берилмоқда. Маънавий-маърифий ишлар замонга мос тарғиб этиляпти. Бундай ислохотлар самара бера бошлади. Асрий муаммога халқимизнинг ўзи ечим берапти. Муҳими, бундай ўзгаришлар илмий тадқиқот, социологик сўровлар орқали амалга ошаётгани ҳуқуқий ҳужжатга эҳтиёж борлигини кўрсатмоқда.

Суҳроб ХИДИРОВ,  
Республика Маънавият ва маърифат маркази бўлим бошлиғи

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти” ДМ

МУАССИС:  
Ўзбекистон Республикаси  
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:  
Салим ДОНИЁРОВ

Қабулхона: (71) 233-56-33 Девонхона ва эълонлар: (71) 233-70-98

Тахририятга келган қўлхатлар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газетанинг етказиб берилиш учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар. Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишини “ШАРҚ” НМАК масъул. Босмахона телефони: (71) 233-11-07.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2025 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 236. Буюртма Г-546. 36390 нусхада босилди. Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қўғоз бичими А2. Баҳоси келишилган нархда.

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Дилшод Улуғмуродов Мусахҳиҳ: Малоҳат Минғобоева Дизайнер: Зафар Рўзиев

Манзилимиз:  
100060, Тошкент шаҳри,  
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй

ЎзА якуни — 21:40 Топширилди — 23:55